

**ДИЁРЖОН АБДУЛЛАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ**

**Тошкент-2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАРИХ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”  
КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан  
олий ўқув юртларининг 5110600-Тарих  
ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабалари  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ-2020**

**Абдуллаев Д.**

**Ўзбекистон тарихи** (XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида ижтимоий ҳаёт). Ўқув қўлланма. Д.Абдуллаев. – Toshkent: “INNOVATSIYA-ZIYO“ нашриёти, 2020. 72 бет.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлари ёритиб берилган. Ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Туркистон генерал губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонликларининг XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаёти, иқтисодий ишлаб чиқариш масалалари ва жадиличлик ҳаракатининг вужудга келиши жараёнлари кўрсатиб берилган. Ўқув қўлланманинг иккинчи қисмида эса XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида хайрия ва хомийлик масалалари ёритиб берилган. Бунда манбавий маълумотлардан кенг тарзда фойдаланилган.

Ўқув қўлланма 5110600 - Tarix o‘qitish metodikasi таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Ўзбекистон тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Диншунослик” фанларидан қўшимча қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:** **Исмоилова Ж.Ҳ.** Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:** **Илҳомов З.А.**, Низомий номидаги ТДПУ доценти тарих фанлари номзоди.  
**Мирзаев Ғ.Р.**, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистон тарихининг мустамлака давригача ва мустамлака давридаги хайрия ва ҳомийлик қадриятларининг тарихий негизи, ҳолати, ривожланиш тарихи ҳамда бугунги кундаги ҳолатини ёритилган. Қўлланмани ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, тегишли ташкилотлар жорий архивларидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланилган ва уларнинг илмий муомалага киритилганлигини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, хайрия ва ҳомийликка бағишланган барча турдаги адабиётлар ва манбаларнинг ўзига хос умумий ҳамда хусусий жиҳатлари аниқланиб, хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон тарихининг мустамлакагача ва мустамлакачилик давридаги хайрия ва ҳомийлик қадриятларининг тарихий негизи, ҳолати ҳамда ривожланиш тарихи, Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийлик масалаларининг бугунги кундаги ҳолати ўрганилиб, мавжуд муаммолар ва келажақдаги режалар босқичма босқич очиб берилганлиги, шунингдек, тадқиқотда ўрганилган бирламчи архив маълумотлари ва фактик далиллар асосида Ўзбекистонда XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида хайрия ва ҳомийлик ишлари тараққиёти ретроспектив таҳлил қилинганлиги ҳамда Туркистонда хайрия ва ҳомийлик тадбирларини ўтказиш жараёнида, ижтимоий муҳитни шакллантиришда жадиждлар, маҳаллий бойлар ва сармоядорлар кўрсатган ташаббус ҳамда хайрия жамиятлари фаолиятининг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг тарихий илдизлари, унинг ривожланиш босқичларини аниқлаш, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийлик фаолияти тарихини ёритиш, мамлакатда хайрия ва ҳомийлик қадриятларини амалга оширишнинг ижтимоий-тарихий хусусиятларини ва тадрижий ўзгаришларни аниқлаш масалалари кўрсатиб берилган.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлари ёритиб берилган. Ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Туркистон генерал губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонликларининг XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаёти, иқтисодий ишлаб чиқариш масалалари ва жадиждчилик ҳаракатининг вужудга келиши жараёнлари кўрсатиб берилган. Ўқув қўлланманинг иккинчи қисмида эса XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида хайрия ва ҳомийлик масалалари ёритиб берилган. Бунда манбавий маълумотлардан кенг қамровда фойдаланилган.

Ўқув қўлланма 5110600 - Tarix o'qitish metodikasi таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Ўзбекистон тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Маданият-шунослик”, “Диншунослик” фанларидан қўшимча қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

## **ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР ОХИРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР**

### **Туркистонда ХІХаср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида ижтимой-иқтисоий жараёнлар**

Туркистон минтақаси ХХ аср бошларида учта сиёсий бирлик: Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги худудларидан иборат эди. Туркистон генерал-губернаторлиги Россия империяси таркибига кирган бўлса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россияга қарам бўлган ярим мустақил давлатлар эди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони ХХ аср бошларида 1.738.918 км<sup>2</sup> ни ташкил этган. Аҳоли сони 1897 йилда биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 5.280.983 кишидан иборат бўлган. Россия статистик бошқармасининг 1914 йилда тўлмаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6.492.692 кишига етган<sup>1</sup>.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгач, мустамлакачи маъмурлари томонидан бошланган дастлабки иш ўлкада маъмурий-бошқарув тизимини мустаҳкамлаш бўлди. Шу мақсадда 1867-йил империянинг бошқа минтақаларидан фарқ қилувчи, ўта ҳарбийлаштирилган Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилди. “Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги вақтли низом” лойиҳасида ҳам шу ҳолат ўз аксини топди. “Ҳарбий халқ бошқарувига асосланган” генерал-губернаторлик ўз қўлида ҳарбий ва фуқоро ҳокимиятини бирлаштирди. Туркистонда империя барпо этган бу мустамлакачилик аппаратининг биринчи навбатдаги вазифалари Россия манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ўлканинг табиий бойликларини талаш билан боғлиқ кетди. Ўз навбатида маъмурий-бошқарув аппарати ходимларининг асосан руслардан ташкил топганлиги ҳам империя олиб борган сиёсатнинг моҳиятини очик ойдин кўрсатиб берди<sup>2</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги Россия империяси худудидаги бирорта ҳам губерния эга бўлмаган ҳуқуқларга, катта имтиёзларга эга бўлди. Жумладан, у хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориши, солиқ сиёсатини белгилаши, рус фуқаролиги ҳуқуқларини бериши, маҳаллий аҳоли устидан чиқарилган ҳукмларни белгилаши мумкин эди. Марказий бошқарувда генерал-губернаторликнинг аҳамияти катта бўлганлиги сабабли генерал-губернаторлик дастлабки вақтданок тўрт бўлимдан иборат бўлди. Бу бўлимлар маъмурий назорат ишлари, молиявий хўжалик ишлари, солиқлар назорати, суд ва ҳуқуқ ишлари билан

<sup>1</sup> ХХ аср бошида ижтимой-сиёсий жараёнлар Туркистон минтақасидаги сиёсий ҳаёт ва бошқарув тизими. <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi>

<sup>2</sup> O‘zbekiston tarixi. R.H.Murtazayeva tahriri ostida. Toshkent-2005. – B.271-272.

шуғулланди. Маъмурий бошқарув зўравонликка асосланган доимий усул сифатида сақланиб қолди<sup>3</sup>.

Бу ҳолат 1886-йил “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси” қабул қилингандан сўнг ўта даражада оғирлашди. Чунончи, бу низом орқали Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, ўлка бешта вилоятга бўлинди. Вилоятлардаги бошқармалар губерния бошқармаси ҳуқуқига эга бўлишди. Ушбу вилоятлар эса уезд ва волостларга бўлиб бошқарилди. Уездлар Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий тузилмасининг ўзагини ташкил этди. Ўлканинг бундай бошқарилиши Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг фикрича, “маҳаллий аҳолининг устидан бўлган назоратни тинимсиз таъминлаб туриш” бўлган эди. Унинг фикрича, “инсонийлик ва инсонпарварлик ғояларини ўз ҳокимларининг бебошлигига ўрганиб қолган маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаб бўлмайди”<sup>4</sup>.

Россия империяси маъмурлари ўзларининг Туркистондаги мустамлакачиликка асосланган мақсадларини кенг қўламда амалга ошириш учун ўлкани руслаштириш сиёсатига алоҳида эътибор берганлар. Маълумотларга кўра, Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилган. Маҳаллий аҳоли (асосан бойлар, савдогарлар, қозилар ва оқсоқоллар)нинг болаларини рус тилига ўргатиш учун рус – тузем мактаблари очилган. Бундан кўзланган асосий мақсад чоризм маъмуриятига садокатли амалдорларни тайёрлаш ва келажакда “сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган бошқарув ишларигагина маҳаллий аҳолини жалб қилишдан ” иборат эди.

XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони 1.738.918 кв.км.ни ташкил этган. 1897 йилги биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, Туркистон генерал-губернаторлигининг Каспий бўйи вилоятида 383 минг киши, Самарқанд вилоятида 860 минг киши, Сирдарё вилоятида 1478 минг киши, Фарғона вилоятида 1.572 минг киши, Еттисув вилояти эса 988 минг киши яшаган бўлиб, аҳолининг жами сони 5.281 минг кишини ташкил қилган<sup>5</sup>.

Россия статистика бошқармасининг 1914 йилда тўплаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6.492.604 кишидан иборат бўлган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркистон генерал-губернаторлигининг учта вилояти (Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона)да аҳоли зич яшаган<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent-2005. –Б.271-272.

<sup>4</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent-2005. –Б.271-272.

<sup>5</sup> Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Молия-иқтисод, 2011. –Б.11.

<sup>6</sup> Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Тошкент, 2012. –Б.383.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, козоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва қорақалпоқлар кўпчиликни ташкил этган. Ўлкадаги рус, украин ва белорус аҳолисининг сони 1897 йилда 197.240 киши бўлган бўлса, 1911 йилда уларнинг сони 406.607 кишига етган. Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркибини татарлар, бошқирлар, грузинлар, арманлар, латишлар, литваликлар, поляклар, қошғарликлар, уйғурлар, таранчилар, форслар, ҳиндлар, курдлар, афғонлар каби халқлар ҳам тўлдирганлар. Туркистон генерал-губернаторлигининг қишлоқ жойларида маҳаллий аҳолининг 86 фоизи, маҳаллий бўлмаган аҳолининг 17 фоизи яшаган бўлса, шаҳарларда маҳаллий аҳолининг 14 фоизи маҳаллий бўлмаган аҳолининг эса 83 фоизи яшаган. Шаҳар аҳолисининг улуши Тошкент, Қўқон, Верний, Андижон, Самарқанд, Марғилон каби йирик савдо-саноат ва маъмурий-сиёсий марказларда нисбатан юқори бўлган<sup>7</sup>.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, козоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, кўпчиликни ташкил этганлар. Уларнинг миқдори 1897 йилда—4.986.324, 1914 йилда—5.941.604 кишидан иборат бўлган. Славян аҳолиси (руслар, украинлар, белоруслар) нинг сони 1897 йилда — 197.240, 1914 йилда—406.607 кишини ташкил этган. Бундан ташқари Туркистон аҳолисининг этник таркибида бошқа халқлар ҳам мавжуд бўлган.

Подшо Россияси Туркистондаги хонликлар ҳудудининг катта қисмини босиб олган, табиий ресурсларга ниҳоятда бой ўлкага эга бўлди. Туркистон ўлкаси област (вилоят), уезд, волост (бўлик), участка ва оқсоқолликларга бўлиниб бошқарилди. Туркистон генерал – губернатори бир вақтнинг ўзида Россия подшоси ноиб (ярим подшо), ҳарбий округ кўшинлари кўмондони, бош прокурор ва бош мишраб эди. У Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885–1917 йй.), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи (1873–1918) орқали назорат қилиб турган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув (Семиречье), Каспий-орти (Закаспий) вилоятлари ҳамда Амударё бўлимига бўлинган эди. Вилоятлар оқ подшо тайинлаган ҳарбий губернаторлар томонидан бошқарилар эди.

Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиё ота, Перовск, Чимкент; Фарғона вилояти Марғилон, Андижон, қўқон, Наманган, Ўш; Самарқанд вилояти Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд, Самарқанд; Еттисув вилояти Верний, Жаркент, Копал, Лепсинск, Пишпак, Пржевальск; Каспий-орти вилояти Ашхобод, Красноводск, Манғишлоқ, Марв, Тажан каби уездларга бўлинган. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий–маъмурий тизим ҳукм сурган. Россия ҳукумати ўзбек ва бошқа туб халқларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар беришни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Россия матбуоти ва илмий асарларида Туркистон ўлкаси очикдан очик «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланган. Ҳатто

<sup>7</sup> Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент, 2012. - Б. 383.

аҳвол шу даражага бориб етганки «Русский Туркестан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланди<sup>8</sup>.

Шунингдек, туб халқлар, ўзбеклар, қозоқлар деб асл номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), туземец («ерли аҳоли») деб юритилган. Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий хавфсизлик ва адолатсизлик, бутун жамият аҳолини Россия давлатига қарши кучни муҳолифатга айлантди. Уларнинг орасида туб халқлар юқори табақаларининг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч-қувватга тўлиб борди. Ушбу илғор халқ вакиллари кейинчалик жадиждлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил қилди.

XIX аср охирида ўлкада саноат ишлаб чиқариши асосан аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда хунармандчиликдан иборат эди. Саноат ибтидоий босқичда эди. Кўчманчи аҳоли орасида хунармандчилик: кигиз тайёрлаш, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжи учун тери ва мўйна ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Бу ерда кигиз (намат) тайёрлаш анча ривож топган, чунки унга талаб ҳамма вақт катта бўлган. Умуман, Туркистонда бўз, атлас, шойи тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик кенг ривож топган.

Қандолатчилик, ширмонпазлик, новвойлик ҳам тараққий этган. Уй-рўзғор ишларида, хўжаликда керак бўладиган барча жиҳозлар: эгар-жабдуқ, сандиқ, мис идишлар, халатлар, чарм буюмлар, сопол, ёғоч, кумуш, олтин буюмлар, кетмон, пичоқ, махси, калиш ва шу каби кўпгина нарсалар ишлаб чиқарилган.

Минтақа иқтисодиётини ўрганиш учун Тошкентда очилган Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалигига доир биринчи (1886) ва иккинчи (1890) Туркистон кўрғазмаларида маҳаллий хунармандлар ҳамда саноат корхоналари ишлаб чиқарган буюмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намоиш қилинганда гилам тўқувчилар, қуролсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган буюмлари кўрғазма иштирокчиларининг диққат-эътиборини қозонган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар хунармандлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пахта йиғириш учун чарх, қўлбола тўқув дастгоҳини ишлаб чиқардилар. Бу буюмлар анча оддий бўлиб, ундан фойдаланишни ўрганиш учун кўп вақт талаб қилинмас, махсус малакага эга бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиядан саноат маҳсулотларининг келтирилиши ортиб борган сари маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқариши инқирозга учрай бошлади. Тўқувчи қўл дастгоҳида 17-18 соатдан ишлаб бор-йўғи 4-8 аршин (1 аршин 72.12 смга тенг) мато ишлаб чиқарар, лекин оладиган маоши арзимаган миқдорда эди. Хонавайрон бўлган хунарманд-қосибларнинг сони ортиб борди. Хонликлар

---

<sup>8</sup> Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент, 2012. - Б. 383.

Россия тарафидан босиб олинишига қадар уларда фабрика ва мануфактура ишлаб чиқариши бўлмаса-да, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «уйда ишлайдиган дехқон хунармандчилигига асосланган марказлашган, шунингдек асосан тарқоқ ҳолдаги мануфактураларнинг куртаклари мавжуд бўлган». Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Бухоро шаҳарлари ўлканинг хунармандчилик марказлари ҳисобланар эди, Бухорода 1841 йилда 6 та чўян қуйиш цехи бўлиб, уларда қишлоқ хўжалик қуруллари, - тўплар учун ядро ишлаб чиқарилган. Ҳудди шундай корхоналар бошқа хонликларда ҳам мавжуд эди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1870 йилда 775 га яқин тўқувчилик устахонаси фаолият кўрсатиб турган. Туркистон ўлкасида рус капиталига хизмат кўрсатувчи катта-кичик корхоналар сони ҳам аста-секин ортиб борган. Бу хусусда генерал губернатор фон Кауфманга Тошкент шаҳрининг руслар яшайдиган қисмидаги фабрика ва заводлар ҳақида берилган маълумотлар диққатга муносибдир.

Туркистоннинг хом ашё базасига айлантирилиши ва ўлкада чор Россияси иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатларининг амалга оширилиши Чор Россияси Туркистон ўлкасини эгаллаган кунларидан бошлаб ўзининг иқтисодий мустамлакачилик ниятларини амалга оширишга киришди. Бунинг учун, биринчи навбатда, Россия губерняларидаги саноат корхоналарини мунтазам равишда хом-ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллар қурилди. Шу мақсадда 1881-1886 йилларда Михайловский кўрфазидан Чоржўйга Каспийорти темир йўли қўрилди, 1888 йилда бу йўл узайтирилиб, Самарқандга етказилди. 1906 йилда Тошкент - Оренбург темир йўли ишга туширилди. 1912 йилда Фарғона водийси ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланди.

Мустамлака Туркистонда темир йўлларни қуриб битирилиши ўлкани Россия саноатининг ғилдирагига янада маҳкамроқ боғлади. Ўлканинг хом-ашё етказиб берувчи манба сифатидаги ўрни мустаҳкамлангач, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида жадаллик билан ўз таъсирини кучайтириб борди. Улар ўлкадан хом-ашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайтirdилар. Пахтачиликнинг ривожланиши бундай фирма-биржалар, маҳаллий судхур ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб берди. Улар асосан хом-ашё етиштириш йўлига ўтиб олган дехқонларга келаси йил оладиган ҳосили ҳисобидан пул қарз берар эдилар. Дехқонларнинг моддий аҳволи оғирлашган сари уларнинг ҳосилдан тушган даромади қарзини тўлашга, ерга ишлов беришга, оиласига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга ҳам етмас, иккинчи томондан катта ер майдонлари маҳаллий бойлар ва судхўрлар қўлига ўтиб кета бошлади. Бу ҳолат ерсиз дехқонлар, мардикорлар ва арзон ишчи кучини янада кўпайишига сабаб бўлди. Россия саноатида пахта толасига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши бу ерларда етиштириладиган пахтанинг сифатига эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда ўлка ерларида пахтанинг Америка

навларини этиштиришни йўлга қуйиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи станциялар ташкил этилди. Ҳатто бу навларни ўрганиш учун Америкага махсус мутахассислар ҳам юборилади. Мустамлака йилларида бундай навлар ўлка пахтачилигида етти баробар кўпайди<sup>9</sup>. Россия учун Туркистондан кўпроқ фойда кўриш мақсадида ўлканинг ўзида хомашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ташкил этишга киришилди. Бундай корхоналар ўлкада барпо бўлаётган саноатнинг асосий соҳаси эди. 1900 йилгача Туркистонда 170 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Буларнинг 80% ни пахтага боғлиқ бўлган саноатнинг ривожланиши ва Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотлари асрлар давомида ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган аҳолини хонавайрон этди. Рақобат натижасида ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари инқирозга юз тутди, хонавайрон бўлган ҳунармандлар ҳам ерсиз деҳқонлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди.

Ўлканинг кўплаб унумдор ерларига пахта экилиши бошоқли экинлар экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Минг йиллар давомида ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келган маҳаллий аҳоли аста-секин озиқ-овқат масаласида Россияга қарам бўлиб қолди. Ғалла маҳсулотлари ўлкага Россиядан келтирилиб, унга чор маъмурларининг ўзи нарх-навони белгилади. Саноатда банд бўлган маҳаллий ишчиларнинг турмуш шароити яна ҳам оғир эди. Чунки уларнинг иш ҳақи Европалик ишчилардан 2-2,5 баробар кам бўлса, олинадиган солиқлар ва жарималар шунча кўп эди<sup>10</sup>.

Мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Туркистон ўлкасини руслаштиришдан иборат бўлди. Подшо ҳукумати кўп минглаб ерсиз деҳқонларни, ишсизларни мустамлака Туркистонга кўчириб келтириши бу мақсадга эришишда катта ўрин тутди. Чоризм Туркистонни рус инқилобчилари ва социал-демократларини сургун қиладиган маконга айлантирди. Марказий Россия, Кавказортдан келган Россия монархиясининг минглаб рақобатчилари Туркистоннинг йирик шаҳарларига жойлашиб олдилар. Россиядан кўчириб келтирилганларга катта имтиёзлар берилди, уларнинг жойлашиши, деҳқончилик қилиши учун кўп миқдорда маблағлар ажратилди, ўзини ўнглаб олгунга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди. Янги ташкил топган рус қишлоқлари аҳолиси маҳаллий аҳолига нисбатан анча кўпроқ экин майдонларига эга бўлди, маълум муддатгача солиқдан ҳам озод қилинди. Натижада, кўчириб келтирилганлар қисқа вақтда ишлаб чиқаришнинг техникавий заминини ҳам яхшилаб олдилар. Бундай имтиёзларни чор маъмурлари, «Россиядан кўчиб келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, боғлар яратишга ёрдам беради», деб кўрсатди. Аслини олганда қашшоқлашиб кетган юз минглаб аҳолининг

<sup>9</sup> Madrahimov Z. Mustaqil O'zbekiston tarixinining dolzarb muammolari. Namangan, 2010. –B. 25.

<sup>10</sup> Madrahimov Z. Mustaqil O'zbekiston tarixinining dolzarb muammolari. Namangan, 2010. –B. 25.

Ўрта Осиёга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишнинг бир йўли бўлди. Мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг мавжудлиги Россия учун ҳарбий ва сиёсий таянч бўлди. Улар айна бир вақтда маҳаллий халқларнинг мустамлакачилик тузумига қарши бўлган ҳаракатларини буғиб туриш учун таянч вазифани бажардилар. Чоризмнинг Туркистондаги маданий-маърифий ишлари мустамлакачилик сиёсатиغا тўла бўйсундирилди. Бу борадаги сиёсат маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик деб кўрсатилган бўлса-да, аслида аҳолини руслаштириш, миллий маданиятини чеклаш, камситишдан иборат бўлди. Шу мақсадда дастлабки тадбирлар Европа турмуш тарзини ифода этувчи мактабларни очишдан бошланди. Ўлкада жорий этилган рус-тузем мактаблари ҳақидаги лойиҳага биноан 1884 йили Тошкентда дастлабки рус-тузем мактаби очилди.

1888 йил 15 мартда чиққан “Туркестанские ведомости” газетасида бу ҳаракатлар “Россиядан кўчиб келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, боғ-роғлар яратишга ёрдам беради” деб кўрсатилган эди. Аслида қашшоқлашиб кетган рус аҳолисини Туркистонга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишнинг бир йўли эди. Иккинчи томондан эса, мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг бўлиши Россия давлати учун ҳарбий ва сиёсий таянч ҳам эди. Рус миллатини ўлкага кўчириб келиш, уларни маҳаллий аҳоли билан ассимиляция қилиб юбориш, Туркистонда доимий яшайдиган рус аҳолисини таркиб топтириш мустамлака сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги сабабли чор Россияси кўчириш сиёсатини амалга ошириш учун 1896-1906-йилларда 3 млн олтин сўм миқдорида ҳаражат қилди. 1907-йилга келиб бу ҳаражат 13 млн олтин сўмга етди<sup>11</sup>.

Подшо маъмурлари маҳаллий мактаблардаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришни маҳаллий аҳолини руслаштириш борасидаги катта тўсиқ деб қарадилар. Шу сабабли эски мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаш учун бирор бир тадбир кўрилмади. Мактабларнинг аҳволи Россия босқинидан аввал қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолиб кетаверди. Россия империяси Туркистонни истило қилгач, рус маъмурлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий халқнинг айрим анъаналаридан, урф-одатларидан фойдаланишга уриндилар ва шу мақсадда диний ақидалардан, маҳаллий халқ ўртасида обрў-эътибор қозонган шахслардан, руҳонийлардан фойдаландилар. Маҳаллий халқларнинг тарихий қадриятларига, диний эътиқодларига таъсир ўтказиш, уларни маънавий қарамликда ушлаш учун Россия маъмурияти, тажрибали мустамлакачи давлатларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган миссионерлик сиёсатларидан фойдаландилар. Остроумов ва бошқа миссионерларнинг ўлкадаги фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, сихат-саломатлигини яхшилаш борасида ҳам бирор-бир тадбир амалга

<sup>11</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent, 2005. –B. 274-275.

оширилмади. Губернияларда, уездларда бир ёки икки врач бўлиб, улар ҳам асосан, солдатлар ва рус аҳолисига ёрдам кўрсатиш билан банд бўлганлар. Масалан, 250 минг қорақалпоқ аҳолиси орасида атиги битта шифокор бор эди. Врачлар етишмаслигини, соғлиқни сақлаш ишларининг бундай аҳволини чор маъмурлари «маҳаллий аҳоли кучли, соғлом ва касал бўлмайди. Улар яшайдилар ва вақти келганда ўладилар. Тарқалган эпидемияларга қанчалик пул ажратилмасин, барибир етмайди», - деб чоризмнинг шовинистик сиёсатини яққол намойиш этдилар<sup>12</sup>. Ўлкада мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар аста-секин маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий қашшоқланишига, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келиб, чоризм мустамлакачилигига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлди.

XX аср бошларига келиб, ўлкадаги бундай ҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. Шу билан биргаликда ўлкада демократик инқилобий ҳаракатлар ҳам кенг авж ола бошлади. Мустамлака шароитда ишчиларнинг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, хусусан, хонавайрон бўлган деҳқонлар ва хунармандлар ҳисобига кенгайиб бораётган ишчилар синфи империянинг марказий районларида кучайиб бораётган демократик кучлар таъсирида бу ҳаракатларда аста-секин иштирок эта бошладилар. Ўлкадаги бир қанча шаҳарларда сиёсий талабларни ўзида акс этган намойишлар бўлди.

Айниқса, 1900-1903-йилдаги иқтисодий инқирозлар, 1904-1905-йилдаги рус-япон урушида Россия кўрган зарарлари ўлкадаги ҳам маҳаллий аҳолининг аҳволига салбий таъсир этиши деҳқонлар оммасини ҳам яна норозилик ҳаракатлари билан чиқишига туртки берди. Оқибатда ўлка вилоятларида вазият янада кескинлашб кетди. Самарқанд вилоятида деҳқонларнинг ғалаёнлари натижасида юзага келган Номоз Пиримқулов бошчилигидаги ҳаракатлар Туркистонда деҳқонлар ҳаракатининг асосий ҳал қилувчи кучига айланди. Россия империясининг мустамлака сиёсати ўлкадаги бундай ҳаракатларни доимо зудлик билан бостириб турди. Шу билан биргаликда миллий мустақилликка интилаётган, маҳаллий зиёлиларга ҳам доимо таъкиб ўтказиб келди.

Ўлка меҳнаткашларининг аҳволи 1914-йил Россиянинг биринчи жаҳон урушига кириши билан янада оғирлашиб кетди. Уруш йиллари меҳнаткашларни эзиш тобора ортиб борди. Ўлкада ғалла етиштириш камайиб, уруш туфайли ўз вақтида етказиб келинмаган ғалла танқислиги натижасида маҳаллий аҳоли орасида очарчилик бошланди. Бунинг устига Туркистонда расмий солиқлардан ташқари уруш эҳтиёжи учун деб аҳолидан ҳар йили турли йиғим ва солиқлар тўпланди. Бу даврга келиб аҳолининг аҳволи янада мураккаблашди. Жамиятда янгиланиш ва ислохотларга, миллий давлатчиликни тиклаш ва миллий мустақилликка эришиш кайфиятлари кучайиб борди, шундай шароитда Туркистон ўлкасида юзага келган

<sup>12</sup> O'zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent, 2005. –B. 274-275.

жадидчилик ҳаракати бу ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларнинг етакчиси бўлди.

“Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам янгилик ва ислохотчиликка интилувчи, янгилик яратувчи фаолият билан машғул бўлган тараққийпарвар, илғор руҳдаги миллий зиёлилар тарихда “жадид” деган номга мушарраф бўлдилар. Уларнинг ҳаракати эса жадидчилик деб номланди. Бу ҳаракатнинг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички муҳит ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий ва демократик янгиланишлар билан боғлиқ бўлди<sup>13</sup>.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, Туркистонда миллат тақдирига таҳдид солувчи ўта қалтис ва оғир ички тарихий муҳит пайдо бўлди. Бир томондан, Россия империяси мусатамлакачилиги сиёсий жихатдан мустаҳкамланди. Мустамлака ва зўравонликка муккасидан кетган рус босқинчилари эса, энди ўз мафкурасини сингдириш орқали маънавий устунликка ҳам эга бўлиши учун маҳаллий халқни руслаштириш, унинг ғурурини синдириш, ўзлигини йўқотишдек, ўта разил шовинистик сиёсатни кучайтирдилар. Иккинчи томондан эса, миллат ва халқимиз ўз сиёсий, маънавий ҳуқуқлари, эрки ва хоҳиш-иродасини йўқотди. Учинчидан, умуман мусулмон мутаассиблиги (консерватизм ва бидъат) кучайди. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳамда маънавияти тубанлашди. Бунинг устига устак, дин пешволари орасидаги мутаассибларда янгиликка, дунёвий маърифат ва тараққиётга қаршилик ҳам авж олди. Бу эса, Ислом дини ҳамда шариатига мутлақо зид равишда авж олди. Мутаассиблар бидъат ботқоғига ботган ҳолатда, ижтимоий мажхул (ноаниқ)ликдаги ғафлат уйқусига маст бўлиб, ақл ва фаҳм-фаросатлари ожизлиги эвазига, ўзлари сезмаган ҳолда мустамлакачилар манфаати (мафкураси)га хизмат қила бошлайдилар<sup>14</sup>.

Миллат ва халқимиз мана шундай икки томонлама ўта аянчли ва хавфли ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда вазиятга дуч келган бир пайтда мусулмон зиёлилар дин ҳомийлари орасидан янги бир тараққийпарвар гуруҳнинг ҳаракати пайдо бўлди. Улар «жадид» (янги) деган улуғ номга муяссар бўлган ҳолда, Миллат ва Ватан, мусулмон халқлари учун маънавий қалқон бўлиб, кураш майдонига отилдилар. Жадидлар миллатни бўйин эгиши ва танама-тақдир қилиш ҳавфидан қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли аввал тарбия ва маърифат, сўнг ислохот эканлигини жуда тўғри англаб етдилар. Шунинг учун ҳам жадидлар миллат ва халқни ғалаён ва кўзғолонга, инқилобий бузғунчилик каби ёввойиликка даъват этмади. Аксинча, уларни диний-дунёвий маърифат, илм-фан, маданият ва янгиликлар билан қуроллантириб тарбиялаш, ўзлигини англашиш, ижтимоий-маънавий ғафлат уйқусидан уйғотиб, турмуш тарзи, тафаккури, маънавияти, маданияти, адабиёти ва маорифини ўзгартиришга бел боғладилар.

<sup>13</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent, 2005. –B. 282-283.

<sup>14</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. Toshkent, 2005. –B. 284.

Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор бўлган: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий давлат қуриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди. Жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хивада хур фикрли, тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига самарқандлик тараққийпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий асос солган<sup>15</sup>.

Маълумки, Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракати тарқалиш жойи ва йўналишига кўра учга бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жадидчилиги. Туркистон жадидлари билан Бухоро ва Хива жадидлари ўртасида бир мунча тафовут бор. Туркистон ўлкасидаги жадидчиликнинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилган. Улар чор Россияси мустамлакачилигига қарши курашнинг олдинги сафларида туриб, Россия империясининг хомашё манбаига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, сўнгра мустақил давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг кучайиши натижасида ундан Бухорода Ёш бухороликлар (1910) ва Хивада Ёш хиваликлар (1914) партиялари ажралиб чиқди. Бундан ташқари, Тошкентда бир гуруҳ тараққийпарварлар Ёш сартлар жамиятини тузишди. Бу ташкилотларнинг аъзолари нафақат ёшлар бўлган, балки фикр ва ғоялари бир экани учун ҳам ўзларини шундай аташган. Бу ёшлар ҳаракатлари ўз таркибига зиёлилар, савдогарлар, сармоядорлар ва хунармандларни бирлаштириб, жадидчилик ғоялари билан қуролланган эди. Уларнинг мақсади Туркистонни Россия мустамлакачилигидан озод қилиш, қолоқлик ва жаҳолатга барҳам бериш, истибдод ўрнида демократик тузум ўрнатиш, юртимизни ривожланган давлатлар сафига қўшиш бўлган<sup>16</sup>.

---

<sup>15</sup> Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари <http://huquqburch.uz>

<sup>16</sup> Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари <http://huquqburch.uz>

## **Бухоро амирлигида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ижтимоий-иқтисоий жараёнлар**

XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудуди 225 000 км<sup>2</sup> ни ташкил этган. Амирлик ҳудуди бу пайтда 28 та беклик, пойтахт Бухоро атрофлари эса 9 та туман, улар ўз навбатида 125 та амлоқдорликка ва 10 000 дан ортиқ оқсоқолликларга бўлинган. Пойтахт атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳрини амир номидан қушбеги–Бош Вазир бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш фуқарога яхшироқ хизмат кўрсатиш манфаатини ҳам унчалик қондирмас эди.

Бухоро аҳолиси кўп миллатли эди. Уларнинг миқдори тахминан 2-2,5 млн. киши бўлган. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, бухоро яҳудийлари, форслар ва араблар истиқомат қилар эди. Амирликда аҳолининг кўпчилигини (1,5 млн. кишини) ўзбеклар ташкил этган.

Зарафшон водийсида 300 – 350 минг, Қашқадарё воҳасида – 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг, Шарқий Бухорода 500 минг аҳоли яшар эди. Амирликнинг йирик шаҳарлари – Бухорода – 60 минг, Самарқандда – 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қиларди.

Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина қавм ва уруғлардан иборат бўлиб, уларнинг қарийиб 57 фоизи ўзбеклар эди. Ўзбеклар бир қанча элатлардан ташкил топган бўлиб, улар орасида манғит, сарой, қўнғирот, жабғу, қарлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари кўпчиликни ташкил этарди<sup>17</sup>.

XIX аср бошларида мазкур қабилаларнинг амирлик бўйлаб жойлашуви куйидагича кўриниш олган: Манғитлар – Қашқадарё водийсида, кенегаслар – Шаҳрисабзда, найманлар – Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидан Самарқанднинг жануби – ғарбигача бўлган ҳудудларда, Хитой-қипчоқлар – Самарқанд ва Каттақўрғон ўртасида, юзлар – Жиззах ва Ўратепада, уларнинг қолган қисмлари Ҳисорда, Амударёнинг жанубидан то Шимолий Афғонистон ҳудудларида қатоғон ва лақай уруғлари истиқомат қилишган<sup>18</sup>.

Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини деҳқонлар, чорвадорлар ва шаҳар ҳунармандлари (қосиблар)дан иборат бўлган. Россия империясининг Сиёсий агенти Бухоро амири ва унинг алоқадорлари устидан махфий назорат ва кузатув олиб боровчи марказ вазифасини адо этган. 1895 йил 1 январдан Бухоро амирлигини Россия божхона тизимига киритилиши ҳам мустамлакачилик сиёсатининг бир кўриниши бўлди. Империянинг XX аср бошларида Бухорода ўтказган пул ислоҳоти ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди. Божхона соҳасида давлат мустақиллигининг йўқотилиши ва Бухоро тангаси (миллий валюта)нинг рус рублига бўйсундирилиши Бухорони Россиянинг хом ашё макони ва арзон бозорига айлантиришда муҳим босқич бўлди. Бухоро амирлиги давлат бошқарувида уламолар ва мулкдорларнинг

<sup>17</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, Тошкент. -Б. 44; Яна қаранг: Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент, -Б. 172.

<sup>18</sup> Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этножарёнлар. Тошкент: Молия институти, 2004. –Б. 37-40.

роли алоҳида ажралиб турган. Уламолар (диний арбоблар), бир томондан амир ҳокимиятини мустаҳкамлашга иккинчи томондан, мамлакатдаги бутун сиёсий ва иқтисодий, шунингдек, маънавий ҳаётга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишлар эди. Бухоро амирлигидаги бошқарув аппаратида анъанавий ҳокимият пиллапояси мавжуд бўлиб, унга мувофиқ баҳодир, мирзабоши, жебачи, қоравулбеги, мирохўр, тўқсабо, ишқорбоши, бий (бек), додхоҳ, парвоначи, девонбеги, оталик, қўшбеги каби хизмат лавозимлари жорий этилган. Бийлардан юқори пиллапояни эгаллаганлар олий амалдорлар тоифасига киритилиб, одатда улар бек лавозимини эгаллар ёки Бухоро аркида ишлар эдилар. Давлат ҳокимияти тепасида амир турар, унинг ҳузурида доимий равишда 100 кишидан иборат маслаҳатчилар мавжуд бўлган. Давлатни 125 амалдордан иборат девонга эга бўлган қўшбеги бошқарган. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшбеги давлатдаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплаб олган. Унинг маҳкамаси амирликдаги давлат бошқарувининг олий формойиш берувчи ва ижро этувчи органи ҳисобланган. Давлат аҳамиятига эга баъзи масалаларда, яъни уруш олиб бориш, молия, даромадлар ва сарф-ҳаражатларни назорат қилиш, олий даражадаги амалдорларни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш, танҳо ёки фахрий унвонларни тақсимлаш амир ваколатлари доирасида бўлган. 1907–1908 йилларда Шарқий Бухоронинг кўпгина бекликларида деҳқонлар ғалаёнлари бўлиб ўтди. Жумладан, Кўлоб, Ҳисор, Дарвоз, Балжувон, Қоратегин, Шуғнон ва Рушонда шундай халқ ғалаёнлари содир бўлди. Халқ норозилигининг асосий сабаби - амир ҳукумати томонидан тайин қилиниб, шарият ақидаларига зид тўпланадиган солиқларнинг кўплиги эди. XX аср бошларида Бухородаги сиёсий жараёнларнинг ривожига 1910 йилнинг январидан бўлиб ўтган воқеалар муҳим аҳамият касб этган. 1910 йилнинг январидан Бухорода бўлиб ўтган шиа ва суннийлар ўртасидаги можаролар ўша давр матбуотида анча батафсил кўрсатилган.

1910 йил воқеаларидан сўнг Мирзо Насруллоҳбек қўшбеги лавозимига тайинланди, тез орада Олимхон отаси вафотидан сўнг ўрнига тахтга ўтирди. Амир Олимхон 1881 йил Карманада туғилган. 1893 – 1896 йилларда Петербургда ўқиган. 1898 йил Қарши ҳокими, 1910 йил бошларида Кармана волийси бўлган.

Олимхон тахтга чиққач, мамлакатда тартибсизликлар авж олди. Унинг сиёсатида ҳам Россия империясига мойиллик, уларга таяниб иш кўриш тобора кўпроқ кузатилар эди. 1914 йилда Тошкўприк, Шахрисабз, Китоб, Қарши ва Ҳисорда кўтарилган халқ ғалаёнлари рус ҳарбий кучлари ёрдамида бартараф этилди<sup>19</sup>.

Амирнинг русларга мутъелиги зиёлилар, савдо – саноат аҳли ва тараққийпарвар уламоларнинг кучли норозилигини уйғотди. Шунинг учун ҳам 1910 йилда Бухоронинг 56 уламиси махсус хат билан Туркия ва Афғонистон ҳукмдорларига мурожаат қилиб Россия васийлигидан холос

<sup>19</sup> ЎзР МДА, И – 3 фонд, 2 – рўйхат, 178 – йиғма жилд, 15 – варақ.

қилишларни сўрашган<sup>20</sup>. Бухоро уламолари 1915 йилда Туркия Россияга қарши уруш эълон қилганда туркларга ёрдам жамғармаси тузишган. Амир эса I жаҳон уруши давом этаётган бир пайтда Николай II га ўз садоқатини кўрсатиш мақсадида узлуксиз ёрдамини аямай турган эди. Россияга 10 та жаҳонгир тўпи, 500 та бешотар милтиқ, фуқаролардан мажбурий равишда 1500 мингдан ортиқ яхши отлар юборилганлиги ушбу мададнинг бир қисми эди, холос. Амирнинг мамлакати фуқаролари ўртасидаги Россия заём облигацияларини ҳокимлар орқали сотилиши натижа бермагани архив материалларида ўз аксини топган.

Бу даврда амирлик сиёсатида Насруллоҳ қўшбегининг мавқеи анча баланд эди. Ҳаттоки, қози калон ва раисни мағлуб этиб, уларнинг барча ишларини ўз қўлига олди. Саройдаги барча амирга яқин бўлган амалдорлар таъсирини бартараф этди. Мамлакат доирасида, ундан нуфузли ва қувватли мансабдор қолмаган эди. Вилоятларга қози, раис, мадрасаларга мударрис, масжидларга имом тайинлаш, қозикалоннинг, бозор тасарруфи раиснинг иши бўлса ҳам булар асли Насруллоҳ ихтиёрисиз ҳал бўлмас эди. Ҳатто амир Олимхоннинг ўз оиласи доирасида ҳал бўлиши мумкин бўлган баъзи ишларга ҳам Насруллоҳ қўшбеги бевосита ўз таъсирини ўтказар эди. У рус тилини билар, улар сиёсатини яхши тушунар эди. Бироқ, унинг душманлари устун чиқиб оила аъзолари билан бирга қатл этирилди ва қўшбеги лавозимига Мирзо Урганжий тайинланади. Балжувонийнинг ёзишича, Насруллоҳ ўлдирилишига сабаб унинг хурриятни қабул қилганлиги дея баҳолайди.

Амир Олимхон ҳукмронлик йилларининг дастлабки йилларидаёқ ҳукуматни ислоҳ қилишга киришиб 4 асосий моддадан иборат Фармон эълон қилинди:

1. Саройнинг тортиқ ва пешкашларини ман этиш;
2. Фарсах пули солиғини тайинлаш;
3. Ер солиғини ўндан бир ҳиссага камайтириш;
4. Сарой хизматчилари ойлик маошини ошириш.

Юқоридаги фармоннинг дастлабки учтаси деярли амалга ошмади. Фақатгина сарой амалдорлари, аскарлар маоши оширилди, холос.

Воқеалар ривожига жараёнида амирликда юзага келган жадидчилик эндиликда “Ёш бухороликлар” номи билан таъсири орта борди.

1917 йил февралда Россияда бўлган демократик инқилобнинг ғалабаси амирлик учун мустақил тараққиёт йўлини очиб берди. Ёш бухороликлар бу даврда амирликда демократик ислоҳотлар ўтказиш тарафдорлари бўлиб майдонга чиқишди.

Маълумки, Бухорода жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасидагига нисбатан оғир ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келган эди. Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараққийпарвар қисми: зиёлилар, муллаваччалар, майда дўкондорлар ва маъмурлар, хунармандлар,

<sup>20</sup> ЎЗР МДА, И – 3 фонд, 2 – рўйхат, 66 – йиғма жилд, 78 – варак.

савдогарлардан иборат эди. Жаидларнинг деҳқонлар ва аскарлар ўртасида нуфузи аввалига паст бўлган. Жаидлар (улар дастлаб ўзларини тараққийпарварлар деб аташган) иқтисод ва давлат бошқаруви соҳасида бир қатор талаблар, чунончи, солиқларни камайтириш талаби билан чиқишган эди. Улар дастлаб Бухородаги амирлик тузуми доирасида ислохотлар жорий қилмоқчи бўлишди. Бухорода жаидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари Абдулвоҳид Бурҳонов (1875-1934), Мукоммил Бурҳонов (1884-1937), Садриддин Айний (1878-1954), Фитрат (1886-1938), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Усмон Хўжа (1878-1968), Отаулла Хўжаев (1880-1937), Абдулқодир Муҳиддинов (1892-1934), Мусожон Саиджонов (1893-1937) бўлишган. Бухоро амирлиги ҳудудида илк янги усул (жаид) мактабини Мулла Жўрабой очган<sup>21</sup>.

Тарихчи ва давлат арбоби Мирза Салимбек (1850-1930) ўзининг «Тарихи Салимий» асарида ёзишича, Мулла Жўрабой Вардонзеда туғилган. Бироқ Мулла Жўрабой туғилган жой хусусида турли фикрлар мавжуд. Атоқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаевнинг фикрича, Мулла Жўрабой Вобкентда деҳқон оиласида таваллуд топган. Шарқшунос олимлар А. Самойлович (1880-1938) ва И. Умняковнинг ёзишича, у Пирмаст туманида дунёга келган. Мулла Жўрабой XIX аср охирида Истанбулда таҳсил олган, Россияда ҳам маълум муддат яшаган. Мулла Жўрабой Бухорога қайтгач, 1900 йилда Бухоро амирлиги ҳудудидаги дастлабки жаид мактабини ўз туғилган қишлоғида, баъзи манбаларда ёзилишича эса, Пўстиндўзон қишлоғида очган<sup>22</sup>.

Ёш бухороликлар бу пайтда Бухорода «Маърифат» кутубхонаси ва «Баракат» ширкати тузишиб, китоблар нашр қилиш ва хорижда чиқарилган турли адабиётлар, газета-журналларни Бухорода тарқатиш билан шуғулланганлар. Бу адабиётларда туркчилик ва исломчилик ғоялари ўз аксини топган эди. Масалан, Усмонли турк султонлигида турк тилида нашр қилинган «Ҳикмат», «Сиротил мустақим», «Таърифи муслимин» журналлари, Россияда чоп этилган «Таржимон» (муҳаррир — Исмоилбек Гаспирали), «Иршод», «Вақт» газеталари ва «Шўро» журналида исломчилик ғоялари бўртиб турган мақолалар эълон қилинган. Ёш бухороликлар партияси вакиллари фақат Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Миср мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари вакиллари билан ўзаро алоқада бўлиш билан чекланмасдан, Россия империясида мавжуд бўлган турли мусулмон партиялари ва ташкилотлари билан ҳам муносабат ўрнатишган.<sup>23</sup>

---

<sup>21</sup> Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари <http://huquqburch.uz>

<sup>22</sup> Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари <http://huquqburch.uz>

<sup>23</sup> Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари <http://huquqburch.uz>

## **Хива хонлигида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ижтимоий-иқтисоий жараёнлар**

Туркистон минтақасидаги учинчиси сиёсий бирлик – Хива хонлигининг ҳудуди XX аср бошларида 62 237 км бўлиб, у кичик бир вассал давлат даражасига тушириб қўйилган эди. Хива хонлигининг аҳолиси ҳақида манбаларда бир-бирига зид маълумотлар келтирилади. Ҳатто архив ҳужжатларида ҳам турли рақамлар мавжуд. 1910 йилда Хива хонлигидаги аҳолини рўйхатга олиш натижасида жамланган маълумотларда хонлик ҳудудида тахминан 1-1,2 млн. киши яшаши келтирилади. Хива хонлигида асосан ўзбеклар, туркманлар, қорақолпоқлар, қозоқлар билан бирга араблар, татарлар, руслар ва бошқа халқлар ҳам яшаган.

XX аср бошларида ҳам Россия империясининг ярим мустамлакаси ҳисобланган Хива хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, бошқарув тизими руслар босқинига қадар шаклланган ҳолатда қолган эди. Мамлакатда хон бошлиқ феодал амалдорлар, диндор руҳонийлар мамлакат бошқарувида чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, иқтисодий ҳаётда эса ерга эгалик муносабатлари ҳам аввалги ҳолатдагидек сақланиб қолган эди. Империя ҳукмронлиги таъсирида кўпгина юқори мансаблар (иноқ, оталик, бий) олдингидек иқтисодий асосини йўқотган бўлса ҳам, лекин юқори унвон сифатида мамлакат сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга эди.

Хива хонлигидаги асосий шаҳарларга Хива, Урганч, Тошҳовуз, Ҳазорасп, Питнак ва бошқалар кирган. Хонлик ҳудуди Россия босқинидан кейин 62.236 кв.км бўлиб, у 20 та беклик ва 2 та ноибликдан иборат эди. Аҳоли аниқ рўйхатга олинмаган бўлиб, бу даврга оид манбаларда, у 600 мингдан 900 мингга қадар кўрсатилади. Уларнинг 60 фоиздан кўпроғини ўзбеклар, 28 фоизини туркманлар, қолганларини қозоқ, қорақалпоқ, форс (эроний), араб, рус ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган<sup>24</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётда анча орқада қолган Хива хонлигида саноат ишлаб чиқариши йўқ даражада бўлиб, бу ерда ўндан ортиқ пахта, ёғ заводларигина бор эди. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, косибчилик ва бошқалар билан шуғулланган. Халқ оммасининг турмуш шароити анча оғир бўлиб, улар ҳосилдор ерлар, суғориш манбаларини ўз қўлида тўплаб олган амалдорлар ва руҳонийларга кўплаб солиқлар тўлаб турганлар. Ўша давр манбаларида қайд қилинишича, Хива хонлигида 20 дан ортиқ солиқ тўловлари ва мажбуриятлар бўлган. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши йилларида солиқ ва тўловларнинг миқдори ҳамда тури янада ошган.

XX аср биринчи чорагида бутун Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги каби Хива хонлигида ҳам халқ ҳаракатининг мафкуравий асосини жадиличилик ҳаракати, жадиличилик ғоялари ташкил этди. Туркистон ва

---

<sup>24</sup> O‘zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. - Toshkent, 2005. –B. 322-323.

Бухородан фарқли ўлароқ, Хива хонлигидаги жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида, ҳаракатнинг асосий йўналиши ҳисобланган мактаб, маориф ишининг тараққиётида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), қозикалон Салимохун ва унинг ўғли Бобоохун, вазир Ислохўжа, мирзабоши ва девонбеги лавозимида ишлаган Паҳлавонниёз Комил Хоразмий, Хонқа хоқими Муҳаммад ва бошқалар катта рол ўйнадилар. Улар ўз ҳисобларидан бир қанча мактаблар очишди. Бобо Охун Салимов дўсти Бекжон Раҳмонов билан бу мактаблар учун дарслик китобларини ҳам ёзишган. Хонликда жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида Мунис, Огаҳийлар асос солган ва кейинчалик Баёний бошчилигида давом эттирилган тарихчилик ва таржимонлик мактабининг мавжудлиги, тарих ва ўтмишга эътиборнинг кучлилиги ҳам катта рол ўйнаган. Шунингдек, Туркистон ва Бухородаги каби Хива хонлигида жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида ташқи омил, яъни Россиядан келган илғор фикрли зиёлилар, инқилобий руҳдаги сургун қилинган ёшлар ва Россиядаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жадидчиликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган матбуот Хива хонлиги ҳудудида мавжуд бўлмаса ҳам хонликдаги илғор зиёлилар Туркия, Эрон, Россия, шунингдек, Тошкент Самарқанд ва Бухорода чиқадиган жадид газеталари ва журналлари билан танишиб борганлар<sup>25</sup>.

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатидан 1914 йил август ойида Ёш хиваликлар ташкилоти тузилди, унга раис қилиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) сайланган. Ёш хиваликлар ҳаракатида бу даврда қозикалон Бобо Охун Салимов (1874-1929)нинг ҳам ўрни бўлакча эди. Ёш хиваликлар дастурининг асосини мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказиш, мактаб-маориф ишини яхшилаш, хон ҳокимиятини чеклаш каби масалалар ташкил қилар эди.

Хонликдаги энг юқори унвон хон бўлиб, у сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимиятга эга бўлган. Бухоро амирлигидаги бошқарув тизимидан фарқли ўлароқ Хива хони ҳузуридаги доимий Кенгаш (Девон) мавжуд бўлган. Кенгашга энг юқори лавозимдаги амалдорлар (иноқ, шайхулислом, девонбеги, ясовулбоши ва бошқалар) аъзо бўлганлар. Хонликдаги барча мансаб ва унвонларни 3 тоифага: ҳарбий – маъмурий, ҳарбий ва диний амалларга бўлиш мумкин. Сарой унвонларига иноқ, оталиқ, бий, меҳтар, бекларбеги, девонбеги, бек, мироб, қушбеги ва бошқалар кирган бўлса, амир ул-умаро, ясовулбоши, мингбоши, юзбоши, имғовул, удайчи, қутвол, туғбеги ва бошқалар ҳарбий – маъмурий унвонларга: нақиб, шайхулислом, қози ул-куззот, аълам қози, муфтий, раис, мударрис ва бошқалар диний унвон ва мансаблар ҳисобланган. Бу мансабдорларнинг вазифалари ва мавқеи уларнинг хонга яқинлиги билан белгиланган. Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XX аср бошларида 25 та маъмурий бирликка бўлинган: ундан биттаси – Хива шаҳри ва унинг атрофи бевосита хон ёхуд бош вазирга

<sup>25</sup> O'zbekiston tarixi. Murtazayeva R.H. tahriri ostida. - Toshkent, 2005. –B. 322-323.

бўйсунган, ҳокимлар томонидан бошқарилган 20 та ҳокимликка ва 2 та ноибликка бўлинган.

Тарихий адабиётларда бу маъмурий бирликлар беклик деб аталгани билан Хивада асосан ҳокимлик деб юритилган. XX аср бошларида Хива хонлиги ижтимоий–сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар даври бўлди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II - Феруз хонлик Россияга қарам бўлгач, бир томондан подшо ҳукуматига садоқат билан хизмат қилишга мажбур бўлган бўлса, иккинчи томондан уларни ёмон кўрар эди. Хива хонлиги сиёсий ҳаётида бу даврда вазир Ислом хўжа ва тахт вориси Асфандиёр Бўра катта роль ўйнай бошладилар. Муҳаммад Раҳимхон II вафот этгач 1910 йил август ойида Асфандиёрхон Хива деб эълон қилинди. У 1910 йил 10 сентябрда Бош Вазир Исломхўжанинг ташаббуси билан хонлик ҳудудида ислохотлар ўтказиш ҳақидаги фармонни имзолади. Бу фармонга кўра, 12 кунлик меҳнат мажбурияти бекор қилиниб, давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирларда ишловчиларга ҳар куни 2 танга хазинадан пул тўлаш, амалдорлар ўз ишлари учун халқдан пора олмаслиги, ер солиғини аниқлаш ва ҳар ким эгалик қилаётган ер миқдориغا қараб солиқ тўлаш, бозорларда йиғиладиган бож ва закот солиғини тартибга солиш йўллари яхшилаш, темир кўприклар қуриш, почта–телеграф, касалхоналар қуриб ишга тушириш кўрсатилган эди<sup>26</sup>. Бу ислохотни амалга ошириш устидан назорат Бош вазир (вазири акбар) Исломхўжага топширилади. Ислохотларни амалга ошириш бўйича Исломхўжа томонидан ҳоким ва амалдорлар учун кўрсатмалар ишлаб чиқилди, лекин уни бошлаш ва тамомлаш муддатлари белгиланмаган эди. Дастлаб Исломхўжа билан ўзаро келишиб иш тутган Асфандиёрхон секин – аста унга қарши бора бошлади. Чунки Исломхўжа куёви Асфандиёрхоннинг дабдабали ҳаёт кечиришига, хазинадан ортиқча маблағ ажратилишига йўл қўймаган. Манбалардаги ҳужжатларга кўра, айнан шу масалада улар ўзаро келишмай қолишади. Натижада 1913 йил 9 августда Асфандиёрхон ёллаган қотил Қурбонбой бўзчи томонидан Исломхўжа ваҳшиёна ўлдирилади<sup>27</sup>. Шу билан хонликда бошланган ислохотлар ҳам тўхтаб қолади.

**Таянч сўзлар:** Туркистон, Туркистон генерал губернаторлиги, ижтимоий ҳаёт, иқтисодий жараёнлар, мустамлака бошқарув тизими, солиқлар, маънавий ҳаёт, мустамлакачилик, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, жаидлар, жаидчилик ҳаракати, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар, ислохотчилик ҳаракатлари, маориф, матбуот.

<sup>26</sup> XX аср бошида ижтимоий–сиёсий жараёнлар Туркистон минтақасидаги сиёсий ҳаёт ва бошқарув тизими. <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi>

<sup>27</sup> XX аср бошида ижтимоий–сиёсий жараёнлар Туркистон минтақасидаги сиёсий ҳаёт ва бошқарув тизими. <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi>

## **Мавзуни такрорлаш учун саволлар:**

1. Туркистон атамасининг сиёсий ва географик хусусиятларини айтинг?
2. Туркистон генерал губернаторлигининг марказий бошқарув тизимининг асослари?
3. XX аср бошларида ижтимоий ҳаёт масалаларининг асосий жиҳатлари нималарда акс этади?
4. XX аср бошларида мустамлака шароитида иқтисодий жараёнларнинг муҳим хусусиятлари нималарда акс этади?
5. Мустамлака бошқарув тизимининг ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсири?
6. Бухоро амирлигида XX аср бошларида иқтисодий жараёнларнинг муҳим хусусиятлари нималарда акс этади?
7. Хива хонлигида XX аср бошларида иқтисодий жараёнларнинг муҳим хусусиятлари нималарда акс этади?
8. Жадиждлар кимлар?
9. Жадиждчилик ҳаракати қандай ҳаракат?
10. Ёш бухороликлар кимлар?
11. Ёш хиваликларнинг асосий ғоялари?
12. Ислоҳотчилик ҳаракатларининг асосий моҳиятини айтинг?
13. XX аср бошларида маориф соҳасидаги ўзгаришлар?
14. XX аср бошларида матбуотнинг ривожланиши хусусиятларини айтинг?

## **Мавзуни мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари**

**Хонликларда биринчи бор ўғрилик қилиб қўлга тушган ўғрига қандай жазо берилган?**

- А. 20 дарра урилган ўғирланган молни 10 ҳисса миқдорида тўлашга мажбур қилинган
- Б. ўнг қўли кесилган
- С. чап қўли кесилган
- Д. чап қўлининг жимжилоғи ва бош бармоғи кесилган

**Қуйидаги давлатлардан қайси бирининг ҳудуди ва аҳолиси кўпроқ бўлган?**

- А. Қўқон хонлигининг
- Б. Хива хонлигининг
- С. Бухоро амирлигининг
- Д. Бундай маълумот аниқланмаган

**XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг олтин қазиб олинган ҳудудларини кўрсатинг.**

- А. Бухоро ва Шайхжалил тоғлари

- Б. Ўратепа ва Андижон
- С. Қоратегин ва Фарғона
- Д. Қоратов ва Оҳангарон

**Хива хони Муҳаммад Раҳим II Ферўзшоҳнинг ҳукмронлиги даврини аниқланг.**

- А. 1865-1910 йй
- Б. 1866-1910 йй
- С. 1860-1910 йй
- Д. 1866-1913 йй

**Россия Астраханни ..... босиб олди.**

- А. 1556 йил
- Б. 1559-йил
- С. 1555-йил
- Д. 1560-йил

**Бухоро хонлигида фуқароларнинг арз ва шикоятларини тингловчи ҳамда ҳал этувчи амалдор ким?**

- А. Додхоҳ
- Б. Девонбеги
- С. Кўкалдош
- Д. Миршаб

**Амир Шохмуроднинг ҳукмронлик йиллари**

- А. 1785-1800
- Б. 1780-1795
- С. 1782-1792
- Д. 1765-1777

**1756-йил Бухоро тарихида қандай воқеа содир бўлди?**

- А. Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошлади
- Б. Қўзғолон содир бўлди
- С. Зилзила содир бўлган
- Д. Хонликнинг иқтисодиёти инқирозга юз тутди

**Бухоро амирлигида мунтазам пиёда қўшин тузган хукмдор ким?**

- А. Амир Насрулло
- Б. Амир Хайдар
- С. Муҳаммад Раҳимхон
- Д. Амир Шохмурод

**Хива шаҳри нечанчи асрдан бошлаб Хива хонлиги пойтахти бўлган?**

- А. XVI аср бошларида

- Б. XVI аср ўрталарида
- С. XVI аср охирларида
- Д. XV аср бошларида

**Хива хонлигида нечидан ортиқ хунармандчилик турлари мавжуд бўлган?**

- А. 27 та
- Б. 32 та
- С. 30 та
- Д. 25 та

**Навкар сўзи қандай маънони англатади?**

- А. Ҳарбий хизматчи
- Б. Қўмондон
- С. Саркарда
- Д. Қўшин бошлиғи

**1770- йилда Хива хонлигини қайси сулола вакиллари бошқарган?**

- А. Қўнғиротлар
- Б. Найманлар
- С. Қипчоқлар
- Д. Туркман қабилалари

**Нечанчи асрда Осиё қитъасида 3 та сиёсий куч майдонга келди?**

- А. XVI асрда
- Б. XV асрда
- С. XV аср охирида
- Д. XVII асрда

**Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган санани аниқланг?**

- А. 1867 йил
- Б. 1866 йил
- С. 1865 йил
- Д. 1868 йил

**Россия Ўрта Осиёни босиб олаётган пайтда Санкт Петербургга чақириб олинган М.Черняев ўрнига Ўрта Осиёга ким юборилган?**

- А. Романовский
- Б. Крижановский
- С. В.Верёвкин
- Д. Скобелев

**Русларнинг 1864 йилда Тошкентга уюштирган босқинчилик юришига ким босқинчилик қилган эди?**

- А. М.Черняев

- Б. Д.Скобелев
- С. П.Перовский
- Д. В.Верёвкин

**Кўкон хонлигининг Оқмачит қалъаси Россия томонидан босиб олинди?**

- А. 1853 йилда
- Б. 1850 йилда
- С. 1847 йилда
- Д. 1858йилда

**Сирдарёнинг қуйилиш жойида Раим қалъаси қурилганидан неча йил ўтиб Ҳиндистонда инглизларга қарши қўзғолон бошланди?**

- А. 12 йил
- Б. 10 йил
- С. 11 йил
- Д. 15 йил

**1887 йилда...**

- А. Туркистонда Россия Марказий банки бўлими очилди
- Б. Россия Бухоро ҳудудида темир йўл ва сув йўллари қуришга рухсат олди
- С. Амударё флотилияси фаолият бошлади
- Д. Бухорода Россия сиёсий агентлик ташкилоти очилди

**1865 йилда бўлиб ўтган асосий тарихий воқеаларни аниқланг?**

- А. Тошкент чор Россияси қўшинлари томонидан забт этилди
- Б. АҚШ даги фуқаролар уруши шимол қўшинларининг ғалабаси билан тугади
- С. Африкада мустамлакачилик тугатилди.
- Д. Бухоро амирлиги босиб олинди.

**1865 йилда бўлиб ўтган асосий тарихий воқеаларни аниқланг?**

- А. Париж Коммунаси қонга ботирилди.
- Б. АҚШ даги фуқаролар уруши шимол қўшинларининг ғалабаси билан тугади
- С. Африкада мустамлакачилик тугатилди.
- Д. Бухоро амирлиги босиб олинди.

**1869 йилда Англия ташқи ишлар вазири лорд Кларендон Чор Россиясининг Лондондаги қайси элчиси билан Ўрта Осиё масаласида музокаралар олиб борган эди?**

- А. С.А. Обручевский билан
- Б. С.Н. Головачев билан
- С. Н.М. Пиотровский
- Д. Б.А. Михалков билан

**Амир Музаффар фон Кауфман билан сулҳ тузишни орқага сурганда (1868 й), қайси давлатнинг ёрдамига ишонган эди?**

- А. Туркия
- Б. Афғонистон
- С. Эрон
- Д. Англия

**ХІХ аср Хива хонлигида мушрифона нима?**

- А. Хосилни текширувчи ва уни миқдорини аниқловчи шахс
- Б. Оммавий ишлардан озод этилгани учун ҳақ тўлаш
- С. Хосилни текширувчи ва унинг миқдорини аниқловчи амалдорга ҳақ тўлаш
- Д. Бегар хабарини етказгани учун ҳақ тўлаш

**Ўрта Осиё хонликларида масжид, мадраса ва мазористонларнинг сарф-харажатлари қайси мулк ҳисобидан бўлган?**

- А. Вақф
- Б. Амлоқ
- С. Мулки Хур
- Д. Хирож

**Хивадаги биринчи тош босмаҳонанинг асосчиси ким? (1877)**

- А. Бобоҳон Салимов
- Б. Отажон Абдалов
- С. Жуманиёз Хожи
- Д. Комил Хоразмий

**Россия императори Александр II "Туркистон ўлкасини бошқариш" ҳақидаги низомни қачон имзолади?**

- А. 1886 йилда
- Б. 1884 йилда
- С. 1885 йилда
- Д. 1887 йилда

**Хива хонлиги тарихида биринчи саноат корхоналари қачон пайдо бўлди?**

- А. ХІХ асрнинг 80-йилларида
- Б. ХІХ асрнинг 60-йилларида
- С. ХІХ асрнинг 70-йилларида
- Д. ХІХ асрнинг 90-йилларида

**Бухоро амирлигининг энг сўнгги ҳукмдори ким?**

- А. Амир Олимхон
- Б. Амир Хайдар

- С. Муҳаммад Раҳимхон
- Д. Амир Шохмурод

**1885-1892 йилларда Туркистоннинг қайси худудларида Чор Россиясига қарши йирик қўзғолонлар бўлиб ўтди?**

- А. Фарғона ва Тошкентда
- Б. Фарғона ва Самарқандда
- С. Тошкент ва Хўжандда
- Д. Андижон ва Самарқандда

# **ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР ОХИРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ**

## **Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик фаолияти**

Тарихий илдизлари ўтмишга бориб тақаладиган, миллий кадриятлар ҳисобланган ижтимоий ҳимоя тизимидаги хайрия, меҳр-мурувват, сахийлик, ҳомийлик масалалари тарихимизнинг турли даврларида турлича қарашлар, ёндашувлар асосида шаклланиб келган. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгунгача бўлган даврда хайрия, сахийлик ва ҳомийлик масалалари шарқона тарзда намоён бўлган. Бундан кейинги тарихий босқичда гарчанд, ўлкамиз Россия империясисининг мустамлакаси бўлса-да, миллий кадриятлар янгича ёндашувлар, қарашлар асосида ривожланиб борган.

ХІХ аср иккинчи ярми - ХХ аср бошларига келиб, Туркистон ўлкасида сахийлик, хайрия ва ҳомийлик масаласи ўзгача талқинда тус олган, яъни унинг турли жамият, уюшма, муассасалар негизида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш, беғараз ёрдам, кўмаклашув каби турлари пайдо бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан дастлаб индивидуал хайрия ва ҳомийлик фаолияти амалга оширилган, кейинчалик хайрия ва ҳомийлик жамиятларининг ташкил қилиниши ва ривожланиши Туркистон ўлкасининг озодлиги учун ижтимоий-маданий кураш олиб борган жадидлар фаолиятининг бир йўналиши сифатида намоён бўлган.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётида хайрия кўринишининг барча турлари мавжуд эди. Уларнинг аксарияти Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги томонидан қўлланган. Таъкидлаш жоизки, мусулмон оламида кўп асрлар давомида закот ўрнига хайрия жамиятлари кўринишидаги жамоат хайрияси учун унга тўғри келадиган ҳеч бир маблағлар манбаси бўлмаган<sup>28</sup>. Яна бир жиҳатга эътибор берадиган бўлсак, Россия империяси босиб олган мусулмон худудларидан фарқли ўлароқ Туркистон ўлкасида беғараз ёрдам, хайрия ишлари пул тарзида эмас, асосан нон, озиқ-овқат, дон, кийим-кечак ва пойабзал, яъни натурал хўжалик кўринишида маҳаллий аҳолининг бой қатлами томонидан хайрия ва ҳомийлик фаолияти амалга оширилган. Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳолидан кўнгилли шахслар ўз маблағларини масжидлар, мактаблар, кўприклар, йўллар қурилишига сарф қилган. Масалан, Тошкентнинг обрўли бойларидан бири саналган Мираъзам Мирохунов аҳолига хайрия сифатида 2500 олтин ҳисобидаги ипак қурти уруғини тақдим қилган, шаҳарнинг бошқа савдогари Исҳоқхонбой Тошкентнинг мусулмонлар яшайдиган қисми қурилишига 1000 рубль (р.) сарф қилган, андижонлик Миркомилбой Мўминбоев Култепа шаҳрида 100 нафар талаба учун мадраса, 100 нафар

<sup>28</sup> Наливкин В.П. Очерк благотворительности у оседлых туземцев Туркестанского края / Сборник материалов по мусульманству. – Ташкент, 1900. Т.2. – С. 140.

ўқувчи учун рус-тузем мактаби, касалхона ва 2 та ҳаммом қуриш учун 500 минг р. эҳсон қилган<sup>29</sup>. 1881-1887 йилларда савдогар Хасан Поздняков Сирдарёдан Чинозга томон йўналиш бўйича кўприк қурилишига ҳар йилга 11000 р. ҳомийлик сифатида қилган<sup>30</sup>.

Ҳамзахўжа Саримсоқ Хожинов Қўқонда учта кўприк қурилишига 8 тилла билан ҳомийлик қилган<sup>31</sup>. 1895 йил Ориф Хўжа Азис Ходжинов Тошкентдаги қуйи мактаб ва болалар уйи тарбияланувчиларига 550 та янги йил совғаларини хайрия сифатида тақдим қилган<sup>32</sup>. 1892 йилда Абдулғани Хусаинов 300 нафар мусулмон бўлган камбағалларни ўз васийлигига олган ва Оренбургда хайрия ташкилотига асос солган<sup>33</sup>. Ўша йили тошкентлик бойвачча Абдулҳамид Ҳожи вафотидан олдин шаҳарда қабристон очиш учун 1000 р., шаҳарлик яна иккита бой 600 р. хайрия қилган<sup>34</sup>. Наманганда Ибрат домла ўзи яшаб турган Тўрақўрғонда халқ саломатлиги ва гигиеник аҳволини яхшилаш мақсадида ўзининг маблағи ҳисобига биринчи бўлиб ҳаммом қурдирган. У томонидан ташкил қилинган ҳаммом Европа услубида қурилган, шунинг учун бу айрим одамлар, бу каби янгиликка салбий муносабатда бўлганларга, ёқмаган. Халқнинг ҳаммомга кирмай қўйиши натижасида Ибрат домла кейинчалик унинг ўрнида дастлабки босмаҳонани ташкил қилган<sup>35</sup>. Исҳоқхон Ибрат Уфа ва Оренбург шаҳарларида бўлиб, оренбурглик Гауфман деган матбаачидан пулини ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан 1901 йили чиққан литографик машина сотиб олган ҳамда катта машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келган. Бу ишда қишлоқ аҳолиси унга яқиндан ёрдам берган. Ҳарф ўйиш учун Мирзабой Ғиёсов катта ёнғоғини кесиб бериб, ўзи ҳам ушбу матбаада ишлаган. Матбаа ишларидан хабардор бўлган Хусаин Мақаев Исҳоқхон билан ёнма-ён туриб ишлаган<sup>36</sup>. Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи эди.

Ибрат домла Наманган уездининг Тўрақўрғон участкаси қозиси бўлиб ишлаган даврда, 1907 йил июнда, ўз ҳисобидан 1000 р. ни 50 ўқувчига мослаб «Мактаби Исҳоқия» мактабини очишга сарфлаган<sup>37</sup>. 1914 йилда наманганлик бойлардан Исҳоқжон Мирсолихбой ўғил фарзандига хатна тўйи қилишда тужжорлар (савдогарлар) билан маслахатлашган ҳолда тўйга сарфланадиган пулдан 2000 р. ни мактаб ўқувчилари учун мевалик, боғ

<sup>29</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман»(1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 215.

<sup>30</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 16 - рўйхат, 1880 - йиғма жилд, 3 - варақ.

<sup>31</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 16 - рўйхат, 2072 - йиғма жилд, 1 - варақ.

<sup>32</sup> “Туркестанские ведомости”. № 1425, 21 декабрь (2 янв.), 1895.

<sup>33</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман»(1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 74.

<sup>34</sup> Ўша манба – Б. 77.

<sup>35</sup> Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. Б. 31.

<sup>36</sup> Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 24.

<sup>37</sup> Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. - Б.168.

яратишга ва мактаб эҳтиёжларига сарфлашга қарор қилган<sup>38</sup>. Бунга ўхшаш хайрли ишни Мунаввар Алифкор амалга оширган, у ўғлига хатна тўйи ўтказишда сарф-ҳаражатни камайтириб, шу пулларга мактаб қурдирган<sup>39</sup>. Шунингдек, Мирзо Ҳамдам Оғолиқов ҳам марҳум оталари томонидан таъмир қилинган масжиддаги мактабни янгича усулда қуришга киришган<sup>40</sup>.

Туркистон ўлкасида мусулмон хайрия жамиятини ташкил қилиш масаласи илк бор 1884 йилда «Таржимон» газетасида кўтарилган. Ўша пайтда Исмоил Гаспринский ўз ўқувчиларини шу мақсадда махсус яратилган хайрия жамиятлари орқали молиялаштириладиган етимхоналарни яратишга ундаган<sup>41</sup>. Гаспринский шундай жамиятларнинг фаолияти кам таъминланган мусулмонларга моддий ёрдам кўрсатиш, фоизсиз маблағлар бериш, хунармандлар ўқув юртини очиш, боғбон ва деҳқонларга кўмаклашиш, етим ва ногиронларни махсус яратилган етимхоналарда тарбиялашдан иборат бўлиши кераклигини кўллаб-қувватлаган<sup>42</sup>. Маҳаллий зиёли қатлам вакиллари орасида хайрия жамиятларини ташкил қилиш масаласи эса 1906 йилда «Тараққий» газетасида муҳокама қилинган. Шунингдек, газетанинг 1906 йил 12 августдаги сониди Фансуруллохон Худоёрхоновнинг хати босилган. Унда маҳаллий бойларни «Хайрия жамияти» таъсис қилиш, мусулмонларнинг етим болаларини ҳомийликка олиш ва улар учун мактаблар очишга чақирган<sup>43</sup>.

Ўша даврда фаолият юритган «Вақт» газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида қайд этилишича, муаллиф Туркистон ўлкасида ҳеч қандай хайрия жамияти мавжуд бўлмаганини афсус билан қайд қилган. Ушбу мақолада ижтимоий-иқтисодий кўмак берадиган жамиятларни ташкил қилиш, мактаблар очиш, камбағалларга ёрдам бериш ўрнига, ёшлар айш-ишратдан бош кўтармаганлиги, бойларнинг тўйларда исрофгарчиликка йўл қўяётганлиги таъкидлаб ўтилган<sup>44</sup>. Рауф Музаффарзода бошқа бир газетада: «Хайрияпеша бойимиз бўлганда замонага мувофиқ янги мактаб бино қилиб берар эди, ...улар илмли бўлганларида миллатни тараққий эттиришга ҳаракат қилган бўлар эди», - деб ёзган<sup>45</sup>. Шунингдек, таниқли маърифатпарвар Лазиз Азиззода (1895-1987) Туркистон ўлкасидаги тикланиш даврининг шаклланиши ва ривожланиши тўғридан-тўғри таълим, матбуот ва хайрия жамиятлари билан боғлиқлиги, «Таржимон» мусулмон матбуотининг бу

<sup>38</sup> Шодмонова С.Б. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 168.

<sup>39</sup> Наманганда тўйларнинг ислоҳи ва мактаб // Садои Фарғона. – 1914. – № 6.

<sup>40</sup> «Садои Фарғона» газетасига тузилган библиографик кўрсаткич (1914–1915 йиллар). - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – Б. 14..

<sup>41</sup> Шафқатхона // Таржимон. 1884. № 24.

<sup>42</sup> Бойлар дағилми? // Таржимон. 1888. № 33.

<sup>43</sup> «Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Тошкент). - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. - Б. 89.

<sup>44</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. - С. 263.

<sup>45</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. - Б. 199.

соҳаларнинг фаолиятини ёритишдаги ўрни ва ролини қайд қилиб ўтган. Дастлабки мусулмон хайрия жамиятларининг очилиш тарихи Туркистонда XIX аср охирларига тўғри келади. XX асрнинг биринчи чорагида жадидлар ўз ҳисобларидан 30 га яқин бепул мактаб очишган. 1894 йилда шаҳар қозиси Низомиддинхожи ташаббуси билан 1500 р. миқдорда маблағ тўпланиб, маҳаллий аҳоли учун «Дорул Ожизин» («Ночорлар уйи»)га асос солинган. Икки йил ўтгач, 1896 йилда Ўш шаҳри аҳолиси Туркистонда, яъни Фарғона вилоятида мусулмонлар учун биринчи «Меҳрибонлик уйи»га асос солинган. Ушбу жамиятлар Туркистон генерал-губернаторлигига келиб тушган мусулмон хайрия жамиятлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар ҳисобланган. Ушбу меҳрибонлик уйларининг асосий мақсади шаҳардаги барча муҳтожларни бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат эди.

1899 йилда Тошкентда, кейинчалик Эски Марғилон шаҳрида ҳам иккита маҳаллий мусулмон аҳолиси «Меҳрибонлик уйи» учун ташкил қилинган. Марғилонда савдогар Юсуфали Саидхўжаев ушбу ташкилотларга пул тўплаш билан шуғулланган<sup>46</sup>. Кейинчалик бу муассаса Туркистон хайрия жамиятининг маҳаллий бўлими томонидан қўллаб-қувватланган. Мусулмон ҳомийлари томонидан бу меҳрибонлик уйларига катта миқдордаги пул инъом қилинган. Айнан шу вақтдан бошлаб, Туркистон халқларининг муҳтожларга ёрдам бериш тизимида янги давр бошланганлигини З.Абдирашидов ўз китобида қайд қилиб ўтади<sup>47</sup>.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Туркистонда хайрия муносабатларида маҳаллий аҳолининг бой қатлами фаолияти юқори аҳамият касб қилган бўлса, XX аср биринчи чорагида Туркистонда маҳаллий зиёлилар, жадидлар, маърифатпарварлар томонидан хайрия жамиятлари ташкил қилина бошлади. Жадидчилик ҳаракатининг Туркистонда мустақиллик учун курашида мусулмон хайрия жамиятларининг тузилиши сиёсий, ижтимоий ва маданий аҳамият касб этди, таълим ва маданият соҳаларини инobatга олган ҳолда ривожлантиришни таъминлади ва Туркистоннинг турли ҳудудларида жадидлар томонидан асос солинган хайрия жамиятлари орасида «Тарбия атфол», «Жамият тараққиёти маорифи Бухоро», «Жамияти хайрия», «Имдодия» энг машҳур жамиятлар сифатида ном қозонди. Бу ва бошқа жамиятлар фаолияти давомида инсонпарварлик тамойилларига асосланган беғараз ёрдам ва хайрия йўналишларидан борди. Жумладан, Исмоил Гаспиринский, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Шакурий, Фитрат каби жадидлар ўз фаолиятида эзгулик, мурувват ва саховатпешалик анъаналарини давом эттириб, халқимиз ҳаётида туб янгиланишлар бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида империядаги ислоҳотлар натижасида уюшган жамоат фаолияти тикланиши имконияти юзага келган даврда конунчилик фақат хайрия ва маърифатпарвар жамиятлар доирасида жамоат

<sup>46</sup> Ташканд // Таржимон. 1899. №38; [Эски Марғилонда...] // Таржимон. 1899. №47.

<sup>47</sup> Абдирашидов З. Исмоил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 261.

фаолиятига рухсат берган эди<sup>48</sup>. Жаидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоил Гаспринский юзага келган вазиятни яхши англаган ҳолда «Таржимон» газетаси орқали ташвиқот кампаниясини бошлаган. У барча ерларда хайрия муассасаларини очиш ҳамда хайрия маблағ ва манбаларини бошқариш тизимини яратишга ташвиқот қилган. Биринчи бўлиб, у мусулмонлар орасида энг кенг тарқалган хайрияни, садақани тизимлаштиришни таклиф қилган. Унинг фикрича, миллий ғояни тарғиб қилиш учун энг биринчи восита бу хайрия жамиятлари эди<sup>49</sup>. Гаспринскийнинг таъкидлашича, бунинг учун «Мурувват уйлари», кўча ва бозорларда дайдиб юрган етим, ногирон ва муҳтожлар учун «Етимхоналар» яратиш зарур, шунингдек ҳар бир шаҳар ёки уезда маблағларни йиғиш ва уларни муҳтожларга сарфлаш учун «Хайрия жамияти» очиш керак. Унинг фикрича, садақа «бойнинг қашшоққа, соғнинг беморга, олимнинг ўқимаганга кўрсатган ёрдами»дир<sup>50</sup>. Гаспринскийнинг фикри мусулмонларнинг XIX-XX асрлар чегарасидаги аҳволини аниқ тасвирлаб беради. Гаспринский мусулмон ҳукмдорлари ва амалдорларини ўзининг саводсизлиги, дунё фанларини билмаслиги ва оқибатда, қачондир барча муносабатларда кучли бўлган давлатларнинг инқироzi туфайли барча ишларда узоқни кўра ололмасликда айблайди. Кўриниб турибдики, Гаспринскийнинг барча ташаббусларида таълим муассасаларини ислоҳ қилиш муаммоси турган. Шунинг учун Гаспринский мавжуд зиёлилар қатлаидан имкон борича самарали фойдаланишга интилган. Гаспринскийнинг мусулмон интеллектуалларидан ягона талаби халқдан узоқлашмаслик, ҳар доим у билан бўлиш ва кўлидан келганча ёрдам бериш бўлган<sup>51</sup>. Абдурауф Фитрат Туркистон мусулмонларини жамоат ишлари билан шуғулланишга умуман хоҳишлари йўқлиги ёки бошлаб қўйилган турли ишларга кўмак бермасликда айблаган. У мусулмонларни газета чиқариш, хайрия ташкилотлари, янги усул мактаблар ва бошқа бошлаб қўйилган ишларни такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашга чақирган<sup>52</sup>.

Жаид маърифатпарвари Абдулла Авлоний ўзининг таржимаи ҳолида келтирган маълумотларига кўра, биз унинг Туркистон халқининг бирлигини таъминлаш ва ёш авлодни маърифатли қилиш борасида бир нечта ўртоғи билан 1909 йил 12 майда «Жамияти хайрия» очганлигига гувоҳ бўламиз<sup>53</sup>. Жамият ташкил қилинган, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган<sup>54</sup>. Таъкидлаш жоизки, «Жамияти хайрия» ташкилотининг асосий вазифалари қаторида аҳолининг барча қатламларини ўқитиш учун

<sup>48</sup> Загидуллин И.К. Татарские мусульманские приходы в Российской империи. Материалы научно-практической конференции. - Крым: Институт истории АН ТР, 2006. - С. 30.

<sup>49</sup> «Жаид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Т.). - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. - Б. 29.

<sup>50</sup> Шафқатхона // Таржимон. 1884. № 24.

<sup>51</sup> Исмоил. Боғчасаройдан Тошкандга саёхат // Таржимон. 1893. № 41.

<sup>52</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. 5-Жилд. - Тошкент: Маънавият, 2010. - Б.108.

<sup>53</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002. - Б. 102.

<sup>54</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2003. - Б. 22-23.

мактаблар ташкил қилиш, камбағал болалар ва етимларга ҳомийлик қилиш, турли меҳрибонлик уйларини ташкил қилиш, талабаларга ёрдам кўрсатиш белгиланган. Манбаларда келтирилишича, жамиятнинг ҳақиқий аъзолари йилига 6 р., аъзо-ходимлар эса 1 р. 50 коп. тўлаган. 1910 йил 1 июлга кўра аъзолар сони 300 га яқин бўлган. Ўша вақтда жамият маблағи 4000 р. дан ошган. Дастлабки ташкил қилинган пайтда 500 р. гача сарфланган ва камбағалларга 200 р. берилган. Нафақалар миқдори 2 р. дан 5 р. гача, ўқувчиларга эса ўқитувчиларга таълим учун тўлашларига ойига 50 коп. берилган<sup>55</sup>. Шунингдек, «Жамияти хайрия» ўлка худудидаги ночор, муҳтож мусулмонларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилаш, жумладан, етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, амбулатория, чойхона, ошхона, ётоқжойлар очишдан тортиб, ёшларни мактабда ўқитиш, сўнг олий тахсил учун чет элларга юборишгача бўлган масалаларни ҳам мақсад қилган эди<sup>56</sup>. Жамият раҳбари сифатида дастлаб 4 ой давомида Абдулла Авлоний фаолият юритган ва кейинчалик нуфузли тошкентлик бой Саидқаримбой Саидазимбоев бошқарган<sup>57</sup>. Жамият талабаларни чет элларда ўқитиш ишларига ҳам ҳомийлик кўрсатган. Унинг кўмагида ёшлар Россия империясининг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидаги олий мактаб ва мадрасаларига, шунингдек, Истанбул, Қоҳира каби хорижий шаҳарлардаги дорилфунунларга ўқишга жўнатилган. Масалан, 1910 йилда бу жамиятнинг ёрдами билан бир гуруҳ ёшлар Уфадаги «Олия»<sup>58</sup>, Оренбургдаги «Хусайния»<sup>59</sup> мадрасаларида ўқиган. Шунингдек, «Жамияти хайрия»нинг Тошкент ҳаётида муҳим ўрин тутгани ҳақида М.Абдурашидхоновнинг «Танланган асарлари»да кенг тўхталиб ўтилган. Унда келтирилишича, «... Бу иттифоқнинг натижаси ўлса керакки, Тошкент жамияти бу йил бутунлай бошқа тусга кирди. Уйқудан уйғониб, кўзларин уқалаб, атрофга назар сола бошлади. Қонунида зикр қилинган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ қилди, бошлаб бир неча йилдан бери қарор берилубда очилмай ётган «Дорул ожизин»ни расман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар бермакда ва олтмиш қадар фақир ва қашшоқ болаларни турли мактабларда ўқитиб тарбия қилиб турмакдадир»<sup>60</sup>. Таъкидлаш жоизки, жамият халққа ҳомийлик қилиши билан бирга ўзининг бюджетини ҳам муттасил бойитиб бориш йўллариини излаган.

<sup>55</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 520.

<sup>56</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 28.

<sup>57</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. - Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 263.

<sup>58</sup> Зиё Камолӣ (1873-1942) томонидан 1906 йилда ташкил қилинган. «Олия»да ўқиганлар орасида Мўминжон Муҳаммаджонов, Лутфулла Олимий, Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдулхай Тожиев, Тохир Шокирлар бор эди. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 28.

<sup>59</sup> 1890 йилда Оренбургда очилган. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 28.

<sup>60</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 149.

Яъни, М.Абдурашидхоновнинг ушбу асарида келтирилишича, жамият аъзолари томонидан тўпланадиган бадал пулларида ташқари пул топишнинг янги йўллари излаб, даставвал «Грамофон общество»да куйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шарт билан бир неча ҳофизлар ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг товушин (қўшиқлари) сотиб, бундан фақат шу йилнинг ўзида икки минг сўм топиши мўлжалланган<sup>61</sup>. Шунингдек, «Ойна» журналининг 21-сонида босилиб чиққан мақолага кўра, театр мудир Ақобир Мансурийнинг ҳисоботида, самарқандлик театр ҳаваскорларининг «Падаркуш» драмасининг намойиш этилишидан тушган 1331 сўм 50 тийиннинг 727 сўм 10 тийинини турли хил ҳаражатларга, 604 сўм 40 тийинини эса «усули жаид» мактаби фойдасига ўтказилгани қайд қилиб ўтилган<sup>62</sup>. Жамият маблағини кўпайтиришнинг яна бир йўли сифатида шаҳардаги боғлар ва одамлар гавжум жойда театр томошаларини ўтказиш натижасида маблағларни тўпланган. Масалан, «...августнинг 8-куни рамазон муносабати ила Шайх Хованди Тохур боғида бир мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тарика бўлди. Мусулмонлар тарафиндан биринчи мартаба ясалган ушбу томошалар жамиятга фақат моддий жиҳатдангина фойда келтуруб қолмай, балки маънавий жиҳатдан ҳам кўп фойдалар келтурди»<sup>63</sup>. 1903 йилда «Жамияти хайрия» фойдаси учун театр ташкил қилиниб, 966 р. тўпланиб, 313 р. театр труппасига, 589 р. жамиятга топширилган<sup>64</sup>. «Туркистон» музейи якшанба куни 11 дан 2 гача, жума куни 10 дан 12 гача ташриф буюрганларга бепул бўлган<sup>65</sup>.

Бундан ташқари, Туркистон ўлкасида бир қатор савдогарлар ҳамда тадбиркорлар ижтимоий жараёнларда фаол қатнашиб, аҳолининг қийналган, кўмакка мухтож қисмига моддий ёрдамлар бериш ва сиёсий жиҳатдан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий жамиятлар тузган. 1906 йил 17 сентябрда Тошкент шахрининг уламолари, зиёлилари, обрўли сармоядорлари ва маърифатпарварлари иштирокида Қўқалдош мадрасасидаги йиғилишга келишиб олган<sup>66</sup>. Мажлисда йирик сармоя эгаси Саидкарим Саидазимбой ўғли нутқ сўзлаб, мусулмонлар учун ҳам бир қонуний жамият зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Мажлис иштирокчилари ушбу ишларга беш кишини, халқ орасида юқори мавқега эга бўлган ишбилармон, сиёсий онги юқори кишилардан Орифхўжа Азизхўжа ўғли, Мақсудхўжа Отахўжа ўғли, Абдували Абдукомилбой ўғли, Мирзо Абдуллоҳ хожи Муҳаммадбой ўғли ҳамда Саидкарим Саидазимбой ўғлини маъсул қилиб сайлашган. Лекин икки-уч йиллик фаолиятдан сўнг ташкилот ёпилиш арафасига келиб қолган ва илғор фикрлайдиган ёш маърифатпарвар тадбиркорлар уни қайта

<sup>61</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 149.

<sup>62</sup> Шарипов Р. Туркистон жаидчилиқ ҳаракати тарихидан. –Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 27.

<sup>63</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 150.

<sup>64</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман»(1883-1917). Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 206.

<sup>65</sup> «Туркестанские ведомости». № 3164. 21 июнь, 1908.

<sup>66</sup> Ҳар хил хабарлар // Тараққий, 1906, № 11, 28 февраль.

тиклаган. Уларнинг ташаббуси билан 7000 сўм маблағ жамғарилган ва яна қисқа муддат ичида кўшимча пуллар йиғилган. Кўкча даҳаси Ўзган маҳалласида яшаган Маҳмуджон Шокир хожи ўғли ҳам жамиятга кўрсатган моддий ёрдами туфайли ташкилотнинг аъзосига айланган<sup>67</sup>. Шунингдек, тошкентлик маҳаллий сармоядорлар ҳам ўз маблағларидан жамият фойдасига ҳар томонлама ёрдам бериб турган. Масалан, йирик савдогарлардан бири Орифхўжа Эшон шаҳарнинг марказида жойлашган ўз ҳовлисини жамиятга инъом қилган<sup>68</sup>. 1914 йил 6 апрелдаги ушбу жамиятнинг навбатдаги мажлисида Бешёғоч даҳасига қарашли Кўкалдош мадрасасининг мутаваллиси илтимосига мувофиқ бинонинг шикастланган ерларини қайтадан таъмирлаш учун кераклича маблағ ажратишга келишиб олинган<sup>69</sup>.

Шунингдек, Тошкентда кенг фаолият олиб борадиган айрим савдогарлар бева-бечоралар ва тарбияга мухтож, ота-онасидан айрилган болалар фойдасига инъомлар бериб, уларнинг оғирини енгил қилганлиги сабабли ҳукумат эътиборига тушган ва бу хизматлари учун давлат миқёсидаги махсус нишонлар билан мукофотланган. Амхоқбой Абдуалиев ана шундай хизматлари учун кўкракка тақадиган ва «Яхши хизматлари учун» деб ёзилган кумуш нишон билан тақдирланган<sup>70</sup>. Шу билан бирга, XX аср бошларида савдогарлик ишларига ҳукумат тамонидан катта аҳамият қаратилган ва махсус шу соҳа учун мактаблар жорий қилишга ҳомийлик қилинган. Тошкент шаҳрида 1907 йил 30 августда савдогарлар мактаби очилганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>71</sup>. Гарчи унинг ўқувчилари асосан рус миллатига мансуб кишилар фарзандлари бўлса-да, мусулмон болалар ҳам ўқиб бу соҳада савод чиқарган. Маҳаллий савдогар ва тадбиркорлар ўз фаоллигини намоён қилиб, миллий ташкилотлар тузиш, янги усул мактабларини жорий қилиш, театр кечалари ташкил қилиш, вақтли матбуотга моддий-маънавий жиҳатдан ёрдамлар бериш каби миллатнинг дунёқараши ҳамда маданиятининг ўсишига хизмат қилувчи ишларни амалга оширган<sup>72</sup>. Улар қаторига Ёқубжон хожи, Ҳомидбой Охундбой ўғли, Мирзаҳамдам Оғаликуф, Зунунбой Қутлуғбоев, Мулло Зайниддин каби маҳаллий бойлар, савдогарлар ҳамда ишбилармонларни киргизиш мумкин<sup>73</sup>.

Туркистон ўлкасида кенг қамровли мусулмон хайрия жамиятларидан

---

<sup>67</sup> Тайронов Ё. XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент, 2009. – Б. 69.

<sup>68</sup> Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд, 1913, № 37, 20 август.

<sup>69</sup> Тошкент хабарлари // Садои Туркистон, 1914, № 3, 17 апрель.

<sup>70</sup> Тайронов Ё. XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент, 2009. – Б. 70.

<sup>71</sup> Тайронов Ё. XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент, 2009. – Б. 71.

<sup>72</sup> Тайронов Ё.Р. XX аср бошларида Туркистон тадбиркорларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолияти.: Тарих фан.ном. ... дисс. - Тошкент, 2011. – Б. 5.

<sup>73</sup> Тайронов Ё.Р. XX аср бошларида Туркистон тадбиркорларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолияти.: Тарих фан.ном. ... дисс. - Тошкент, 2011. – Б. 63 – 78.

бири 1909 йили 15 июль, айрим маълумотларга кўра, 10 августда<sup>74</sup> Тошкентда «Жамияти Имдодия» номи остида таъсис қилинган. Ушбу муассаса ташкилотчилари бошида Тошкент жаидларининг етакчиси Мунаввар қори Абдурашидхонов турган<sup>75</sup>. «Жамияти Имдодия» маҳаллий халқнинг барча қатламлари таълим олишлари учун турли мактаблар ташкил қилиш; йўқсил болалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш; турли бошпаналар ташкил қилиш; мусулмон талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни бажарган<sup>76</sup>. «Жамияти Имдодия» асосан аъзолик бадалидан даромад қилган. Жамият таъсис этилганидан бошлаб бир ярим йил давомида янги аъзолар жалб қилиш ва кейинги фаолиятини юргизиш учун маблағ йиғишдан бошқа ҳеч қандай фаолият олиб бормаган. Беҳбудий матбуот саҳифаларида эълон қилинган ўнлаб мақолаларида савдо ва ишлаб чиқариш вакиллари бошланган хайрия ишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга даъват қила бошлади<sup>77</sup>. «Жамияти Имдодия» ўз молиявий аҳволини яхшилаш ва таъминлаш мақсадида маблағ йиғишнинг турли усулларидан фойдаланишга мажбур бўлган. Жамият раҳбарияти илгаридан рус ва айрим татар жамиятлари тарафидан хайрия ташкилотининг фойдаси учун ташкил қилинган кўнгилочар томошалар ташкиллаштиришни қўллаб бошлаган. Ана шу мақсадда «Жамияти Имдодия» 1913 йили Тошкентда ўзининг фойдаси учун театр оқшоми ташкил қилиб, ушбу оқшомда татар муаллифларининг асарлари асосида 2 спектакл ўйналган. Йиғилган 966 сўмдан 313 сўм театр труппасига, қолган маблағ эса жамият ҳисобига ўтказилган<sup>78</sup>. Кейинчалик ушбу усулдан янги ташкил қилинган турли жамият ва ташкилотлар тарафидан асосан янги усул мактаблари учун моддий ёрдам йиғиш мақсадида кенг фойдаланилган. «Имдодия» жаидлар жамияти мисолида, жаидлар хайрия ва бошқа жамиятлари аъзоларининг инсонларнинг ақлий даражаси, моддий таъминланганлик ва ижтимоий мавқеидан келиб чиққан ҳолда тарғибот-ташвиқот ўтказиш усуллари турли-туман бўлганлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин<sup>79</sup>.

1913 йили Абдулла Авлоний ва Мунаввар қори ташаббуси билан «Жамияти Имдодия» қошида «Турон» жамияти ташкил қилинди. Ушбу «Турон» жамияти икки йил давомида Тошкентда кироатхона очди, театр труппасини шакллантирди, газета ва нашриёт таъсис қилган<sup>80</sup>. Авлоний

<sup>74</sup> Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 432.

<sup>75</sup> Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари (бир муллабаччанинг хотира дафтари). – Ташкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1926. - Б. 252-253.

<sup>76</sup> Отчет мусульманского общества «Помощь» в Ташкенте // ТВГ. 1911. №9.

<sup>77</sup> «Жаид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Тошкент). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.- Б. 31.

<sup>78</sup> Мунаввар қори. Ташканд театру // Таржимон. 1913. № 170.

<sup>79</sup> Гаффоров Н. У. Деятельность благотворительных обществ Среднеазиатских джаидов в сфере народного образования. - С. 112 // <https://cyberleninka.ru/article/v/deyatelnost-blagotvoritelnyh-obschestv-sredneaziatskih-dzhaidov-v-sfere-narodnogo-obrazovaniya>.

<sup>80</sup> Долимов У. Туркистонда жаид мактаблари. –Тошкент: Университет, 2006. - Б. 54.

жамият доирасида ўз мактаби ўқувчилари хорининг пластинкага биринчи ёзувини амалга оширган. Пластинкаларни сотишдан тушган фойда «Турон» жамияти ҳисобига ўтказилган<sup>81</sup>. «Турон» драма труппаси Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти бўйлаб гастроллар уюштирган. Жамият қўйилган спектакллардан тушган маблағларни янги усул мактабларини қўллаб-қувватлаш учун сарфлаган<sup>82</sup>. «Турон» жамиятининг 73 моддадан иборат низомида «Европача ўқув муассасаларини очиш», ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга стипендиялар белгилаш тўғрисида ҳам режалар кўзда тутилган<sup>83</sup>. 1914 йилда жамият қошида кутубхона, унинг таркибида кироатхона ташкил қилинган. Жамият аъзолари ўз шахсий китобларини совға қилганликлари натижасида яхшигина китоб хазинасига эга бўлган кутубхона юзага келган. «Турон» кутубхонаси кейинчалик Тошкент вилояти кутубхонасига айлантирилган<sup>84</sup>.

Жадид маърифатпарварларининг билимдонларидан бири бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхонов ўз фаолияти давомида чет элга болаларни ўқишга юбориш, уларга хомийлик қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратган. У кўп мартаба маҳаллий бойлар ва зиёлилар билан мажлислар ўтказиб, ёшларни хорижга юбориш, уларни илмли қилиш ва жамиятимизнинг етук кадрлари этиб тайёрлаш масалаларини илгари сурган. Масалан, 1916 йил ўрталарида Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ҳамда ака-ука Комилбек ва Каримбек Норбеков ҳамкорликда «Муаллимлар жамияти»га асос солган. Жамиятнинг асосий мақсади иқтидорли ёшларни тараққий этган чет эл олий ўқув юртларига юбориш, Ватанимизда келгусида очилажак олий ўқув юрти учун замонавий олий маълумотга эга бўлган мутахассис педагоглар тайёрлаш, жадид мактабларини ташкил қилиш ва улар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар нашр қилишдан иборат эди.

1917 йилнинг сентябрь ойидан Қўқон шаҳрида нашр қилина бошлаган «Эл байроғи» газетасининг 17-сонидан Оренбургдаги «Хусайния» мадрасаси талабаси Умархўжа Хўжаев ватандошлари Носирхон Ҳожи ва Бобобек Норбўтабековга унинг бир йиллик ўқиш пулини тўлаб бергани учун миннатдорчилик билдиргани, Уфанинг «Олия» мадрасасида таҳсил олаётган Мирмуҳсин Шермуҳаммедов эса «Қўқон ёшларига мурожаат» мақоласида қиш яқинида ўзининг иқтисодий таъминоти оғирлигини маълум қилган. У ўқишни битира олмай, ватанга ноумид қайтмаслиги учун юртдошларидан ёрдам сўраган<sup>85</sup>. «Турк эли» газетасининг ёзишича, Тошкентнинг

<sup>81</sup> Мунаввар қори. Ташкентда мусулман жамияти // Самарқанд. 1913. № 37.

<sup>82</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 22-23.

<sup>83</sup> Устав общества любителей мусулманского драматического искусства «Турон» в г. Ташкенте. 1916 г. 2 - ноябрь. Нотариус Дм. Егоров (Хранится в мемориальном музее Авлони)

<sup>84</sup> «Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Тошкент). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. - Б. 154.

<sup>85</sup> «Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Т.). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.- Б. 96.

маърифатли бойларидан Мулла Тоҳиржон Шокиржон ўғли «Олий бир мактаб» ҳам қуриб беражагини айтади<sup>86</sup>. Масалан 1917 йил 24 сентябрида Мунаввар Қорининг уйида тошкентлик зиёли ва бойлардан 50-60 киши йиғилган ва ҳомийлик учун 5585 р. маблағ пул тўпланган. Мустамлакачилар қандай ҳунар кўрсатмасинлар, адиб ва мураббий маҳаллий бойларнинг бошини қовуштириб, маърифатга хизмат қилдира олган. Шу сабабли ҳам у бир неча бор ҳибсга олиниб, сўнг қўйиб юборилган<sup>87</sup>. Афсуски, бир-бир ярим ойдан кейин содир бўлган «инқилоб», ур-йиқитлар, ваҳшийликлар туфайли миллат истиқболи учун бундай хайрли ишларни амалга ошириш имконияти бўлмаган, жамиятнинг барча миллат ва маърифат фидойилари қаттиқ таъқиб остига олинган.

Туркистон жамиятидаги мавжуд маданий-маърифий қолоқликдан чиқишнинг ягона йўли сифатида ўқитишнинг янги тартибдаги усули ўлка ҳаётига кириб кела бошлаган. XIX аср охирида жорий қилина бошлаган янги усулдаги мактаблар XX асрнинг 20 - йилларидан Россия империяси ҳукумати ва маҳаллий уламоларнинг қаттиқ қаршилигига учраб бирин-кетин ёпила борган. Жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишга қаратилган жаҳид мактабларига муҳолифат кучлар қанчалик қаршилик кўрсатмасинлар, XX аср бошларига келиб, бу мактабларнинг сони шунчалик тез кўпайиб кетдики, рус маъмурлари бирини ёпса, иккинчиси очилар, маҳаллий уламоларнинг қаршилиги ҳам иш бермай қолган. Рус тарихчи олими А.В.Пясковскийнинг маълумот беришича, 1895-1901 йилларда Туркистонда 30 жаҳид мактаби бўлиб, Тошкентда тўртта усули жаҳид мактаби ташкил топган бўлса, ...1917 йил «февраль воқеалари» арафасида Туркистонда 92 жаҳид усулига асосланган янги турдаги мактаблар қайд қилинган эди<sup>88</sup>.

Таниқли жаҳид намоёндаларидан Абдулла Авлоний<sup>89</sup>, Маҳмудхўжа Беҳбудий<sup>90</sup>, Сўфизода<sup>91</sup>, Сиддикий Ажзий<sup>92</sup> ва бошқа маърифатпарварлар

---

<sup>86</sup> Shosh.uz // Сулола. Долимовлар шажараси. Муаллимлар жамияти. (11.12.2018)

<sup>87</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 22-23.

<sup>88</sup> Номозова К. Жаҳидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 31.

<sup>89</sup> 1909 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очган. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартириб, ўз қўли билан парта ва доскалар ясаган. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг фарзандлари бўлганлиги учун уларнинг таъминотини яхшилаш мақсадида «Жамияти хайрия» ташкил этиб, бу жамиятга ўзи раислик қилган. «Нашриёт» ширкатини тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўкони очган. У дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилиб ва ўзи ушбу мактаблар учун дарсликлар яратган. Қаранг: Маърифатпарвар шоир: Методик библиографик қўлланма /Тузувчи: М.Матмуродова. -Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2003. - Б. 40., Номозова К. Жаҳидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 31.

<sup>90</sup> У ўлкадаги “усули жаҳид” мактабининг дастлабки назариётчи ва амалиётчиларидан, умуман, жаҳидчилик ҳаракатининг тан олинган қарвонбошиларида ҳисобланди. У 1908 йили Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдулқодир Шақурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига кўчириб келиб, унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берган. Қаранг: Номозова К. Жаҳидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 31.

<sup>91</sup> 1913 йилда узоқ давом этган чет эл сафаридан Чустга қайтиб келиб, усули жаҳид мактаби очган. Камарсада қишлоғида етим болалар учун «Дорулайтом» (Етимлар уйи) ва катталар учун кечки мактаб ташкил қилган. Қаранг: Номозова К. Жаҳидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 32.

томонидан амалга оширилган беғараз ёрдам, қулайликлар, имкониятлар маҳаллий аҳоли учун Туркистон тарихида, унинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида жуда катта таянч вазифани бажарди<sup>93</sup>. XX аср илм зиёлилари томонидан ташкил қилинган мактаблар халқ оммаси онгини, дунёқарашини янги йўлга солди, янги тафаккурни шакллантирган маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Бу мактабларнинг халқ оммасининг саводхонлигини ошириш йўлидаги хизматлари туфайли маҳаллий аҳоли ўзининг миллий-маънавий бойликлари асосида замонавий тараққиёт билан уйғунлашиш бахтига муяссар бўлиб, шу мактаблар ёрдамида тез ва самарали тарзда ўз билимини ошириш имконига эга бўлди.

### **Туркистонда соғлиқни сақлаш ва болалар уйлари ташкил қилишда хайрия ва ҳомийлик ишлари**

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида Россия империясининг хайрия ва ҳомийлик соҳасида олиб борган «мақсадли» ва «манфаатли» сиёсатини ёритиш тарихимизни холисона ўрганишда муҳим ўрин тутди. Энг аввало, Россия империяси томонидан хайрия жамиятларининг тузилиши Туркистон ўлкаси учун янгилик эди. Чунки, юқорида баён қилинганидек, Россия империяси босиб олгунга қадар Ўрта Осиё халқлари, мусулмонлар муқаддас ҳисобланган ислом динида ёзилган қоида ва амалларга қатъий амал қилиб, муҳтожларга закот ва садақа кўринишида ёрдам кўрсатган<sup>94</sup>. Мазкур хайрия ишлари хусусий тарзда, барча тушувчи маблағлар тўпланадиган бирор-бир хайрия ташкилотларининг воситачилигисиз амалга оширилган.

Россия империяси ўлкани босиб олгандан сўнг ўлкада ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатлари йўлида ўзини ҳомий, раҳнамо сифатида кўрсатишга ўринди. Буни биргина ўлкада ташкил этилган хайрия жамиятлари мисолида таҳлил қилишимиз мумкин.

Туркистон ўлкасида Россия империяси томонидан асосан, тиббиёт, соғлиқни сақлаш ишларида хайрия ва ҳомийлик фаолияти кенгроқ амалга оширилганлиги кўзга ташланади. Албатта, бу ишлар асосан, ўлкада

---

<sup>92</sup> 1918 йили Тошкентда ташкил топган Туркистон халқ дорилфунунида ёрдам жамияти тузади. Қаранг: Номозова К. Жадиҳчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 32.

<sup>93</sup> Ватан ва миллат муқаддасдир: (Миллий уйғониш даври ижодкорларининг эътирофлари) // Тузувчилар: М.Исоқова, С.Ахмедов, Ш.Ризаев ва бошқ.; Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 71.

<sup>94</sup> Закот (араб. тозаланиш, садақа бериш) – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Ислоннинг 5 асосий талабларидан бири. Шариатта мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон томонидан берилди. Закот берувчи кишининг маблағи ўзи ва қармоғидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўконда сотиладиган, сотаман деб олиб қўйган нарсалари, бировга берган қарзи киради. ...У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига киради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. Закот миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг. ...Закот аввал қариндошлар орасидаги муҳтожларга, бундай қариндошлар бўлмаса, камбағал, қарздор, мусофирларга берилди. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том: 13. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2005. - Б. 10.

истиқомат қилувчи рус халқи вакиллариға қаратилган эди. Масалан, Туркистон ўлкасида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 1883 йилда биринчи амбулатория ўз фаолиятини бошлаган. Унинг ташаббускорлари аёл врачлар: Н.Н.Гундиус, А.В.Пославская, Е.Н.Мандельштам, шунингдек, Санкт-Петербург Тиббиёт институтининг битирувчилари эди. Ушбу амбулаторияда барча тиббий ёрдамлар (дорилар, осон операция ва кўшимча биринчи тез ёрдам) аёллар ва болалар учун бепул бўлган<sup>95</sup>. Туркистон хайрия жамиятида ишловчи врач И.Г.Гайдамовичь душанба кунидан жума кунигача соат 2 дан 4 гача камбағал беморларга бепул хизмат қилиши белгиланган<sup>96</sup>. «Туркестанские ведомости»нинг нашрларидан бирида қайд қилинишича, сешанба ва жума кунлари А.З.Хавинанинг стоматология кабинетида тиш даволаш бепул амалга оширилган<sup>97</sup>. Шунингдек, «Туркистон хайрия жамияти», «Маяк» хайрия жамияти ҳамда «Тошкент харбий-иқтисодий жамияти» ташаббуси билан стоматолог В.М.Зелмонович душанба, чоршанба, шанба кунлари 12 дан 2 гача камбағалларни даволаган<sup>98</sup>. Тарихчи С.Шодмонованинг таъкидлашича, 1911 йилда Тошкентда умумий 48 нафар врач бўлиб, шулардан 30 нафари хусусий тарзда тиббий хизмат кўрсатган<sup>99</sup>. Шунингдек, 1914 йилда «Садои Фарғона» газетасининг хабарига кўра, Қўқонда Ч.Ю.Норвилло ва Н.С.Качхоев томонидан биринчи хусусий шифохона ўз фаолиятини бошлаган<sup>100</sup>. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Олмазор кўчасида «Аёллар ва болалар учун мўлжалланган 3-шифохона» ташкил қилинган бўлиб, А.Н.Предтенченско ва Н.А.Еремена томонидан ҳар куни касаллар қабул қилинган. Шифохонада жума ва якшанба кунидан ташқари бошқа кунлар дори ва консултация 9 дан 12 гача ўлкадаги рус аҳолиси учун бепул, маҳаллий аҳоли учун 20 копейка (коп.) этиб белгиланган<sup>101</sup>.

Россия империясида хайрия тизими 4 босқичда ривожланган: биринчидан, 1861 йил ислохотларигача хайрия соҳасида қонуний ва амалий тажрибанинг тўпланиши; иккинчидан, ислохотдан кейинги давр, ягона, хусусий ҳужжатлар орқали хайрия соҳаси фаолияти; учинчидан, Грот хайъатининг<sup>102</sup> 1890 - йиллардаги фаолияти; тўртинчидан, Николай II

---

<sup>95</sup> Шадманова С.Б. Деятельность русских врачей в Туркестане в конце XIX - начале XX вв. // Россия и Узбекистан: История и Современность. Выпуск 5. - Тошкент, 2018. – С. 16.

<sup>96</sup> «Туркестанские ведомости». №1427, 31 декабрь (12 янв), 1895.

<sup>97</sup> Шадманова С.Б. Медицина и население Туркестана: традиции и новации (конец XIX – начало XX вв.). Историческая этнология. Том 2, № 1. - Ташкент, 2017. – Б. 129.

<sup>98</sup> «Туркестанские ведомости». № 1334. 16(29) январь, 1909.

<sup>99</sup> Шадманова С. Б. Деятельность русских врачей в Туркестане в конце XIX - начале XX вв. // Россия и Узбекистан: История и Современность. Выпуск 5. - Ташкент, 2018. – С. 18.

<sup>100</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎзР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 129.

<sup>101</sup> «Туркестанские ведомости». № 3334. 16(29) январь, 1909.

<sup>102</sup> Константин Карлович Грот (1815 – 1897) - 1892 - 1896 йилларда камбағалларнинг хайрия жамғармалари тўғрисидаги қонунни ислох қилиш бўйича ҳукумат комиссиясининг раиси лавозимида ишлаган. Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 231.

хукмронлиги даври<sup>103</sup>. Империяда хайрия ташкилотлари фаолиятини бошқаришда муҳим қонунлардан бири 1897 йил 10 июнда қабул қилинган «Камбағалларга нафақа бериш жамиятларининг тахминий низоми» ҳақидаги ҳужжат ҳисобланган<sup>104</sup>. Россия империяси ҳудудида 1902 йилга келиб 11040 та хайрия муассасалари фаолият юритган бўлиб, улардан 4762 таси хайрия жамияти ва 6278 таси хайрия корхонаси бўлган<sup>105</sup>. Туркистон ўлкасида илк рус хайрия жамиятларининг тузилиши XIX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Туркистон генерал губернаторлигида биринчи хайрия ташкилоти 1872 йилда Сирдарё вилоят маъмурияти томонидан очилган «Васийлик бўйича вилоятга қарашли болалар уйи» бўлиб, ушбу ташкилотнинг ўзи бир неча жамиятларни ўз ичига олган. Уларнинг биринчиси, оғир шароитдаги муҳтожлар учун 70 кишилик Фон Кауфман номидаги «Болалар уйи» (1872), иккинчиси, «Александрга қарашли болалар уйи» (1882)<sup>106</sup> эди. Ушбу жамиятлар Туркистон ўлкасида яшовчи рус болаларини қабул қилиб, уларга ўқиш ва ёзиш ўргатган. Шуни қайд этиш керакки, ушбу болалар уйлари фақат рус болалари қабул қилинган.

1880 йил 19 февралда Император Александр II ҳукмронлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Тошкент савдо-саноат мулки палатаси Тошкентда «Болалар уйи»ни ташкил қилиш мақсадида 11265 р. эҳсон қилган. 1896 йил 15 ноябрда Н.И.Иванов, Орифхўжа Азиз-Хожинов ва бошқаларнинг ташаббуси билан «Меҳнатсеварлик уйи» очилган, улар бу мақсад йўлида обуна учун 7000 р. тўплаган. Орифхўжа Азиз-Хожинов томонидан беш минг рубль нархга тенг бўлган уй инъом қилинган<sup>107</sup>.

Шунингдек, Туркистон ўлкасида Россия империяси ҳукумати томонидан «Россия Қизил Хоч жамиятининг Туркистон округ бошқармаси» (1867), «Туркистон хайрия жамияти» (1872), император Александр II нинг рафикаси Мария Александровнанинг «Кўзи ожизлар васийлигида»ги Туркистон кўмитаси (1888), Камбағалларга ёрдам кўрсатиш учун «Маяк» жамияти (1903), «Евангелия-лютеран аёллар хайрия жамияти» (1907), «Туркистон рим-католик хайрия жамияти» (1906), «Ярадор ва бемор ҳарбийлар жамияти», «Оқ хочнинг ҳарбий хайрия жамияти», «Жонзотлар ҳимоячилари, вокал ва драматик санъатни севувчилар» жамияти каби бир қатор хайрия ташкилотлари тузилган. Лекин ушбу жамиятларнинг фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида шуни айтиш жоизки, хайрия жамиятлари аъзолари тор доирада бўлиб, фақат ўлкадаги рус аҳолисининг

<sup>103</sup> Ульянова Г.Н. Благотворительность в Российской империи XIX – начало XX века. – Москва: Наука, 2005. – С. 134-181. Шунингдек, қаранг: Lindenmayer A. Poverty is not a Vice: Charity, Society and the State in Imperial Russia. – Princeton, 1996. – P. 26-47, 74-98.

<sup>104</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 231.

<sup>105</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 233.

<sup>106</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 247-248.

<sup>107</sup> Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 427.

турли қатламлари вакиллари ўз ичига олган ҳамда улар учун фаолият олиб борган<sup>108</sup>.

Масалан, Россия Қизил Хоч жамиятининг Туркистон округ бошқармаси жамияти 1867 йилда юзага келган ҳамда 1868 йил 25 сентябрда иш фаолиятини бошлаган. 1898 йилда бошқарма жамияти Махау қишлоғидаги моховга йўлиққанларни ўз қарамоғига олган. Тошкентнинг «янги шаҳар» худуди чегарасидан 2,5 чақирим узоқликда Салар каналининг ўнг қирғоғида 26 та уй ва масжиддан иборат Мохов қишлоғи бўлиб, унда 40-60 бемор яшаганлиги маълум қилинган. ...Газеталарда қишлоқ қурилиши учун 2147 р. ажратилганлиги, маҳаллий аҳоли ҳам моддий ёрдам кўрсатганлиги қайд қилинган. 1900 йилда Т.Юсуповнинг берган ёрдами туфайлигина мазкур қишлоқни қайта қуришга муваффақ бўлинган. Қишлоқнинг очилиш маросимига келган маҳаллий аҳоли вакиллари уни ободонлаштириш учун маблағ йиғган<sup>109</sup>. 1902 йилда Андижондаги зилзиладан азият чекканларга ёрдам кўрсатган. 1896 йилдан бошқарма тасарруфига меҳр-шафқатли опа-сингиллар жамияти ва 1903 йилдан касалхонаси кирган. Бу ерда 1910 йилда 1 нафар врач, 15 нафар ҳамшира ва 10 нафар ўқувчи қиз ишлаган<sup>110</sup>. 1911 йил 1 январь ҳисоботида кўра, округ бошқармаси капитали 101 899 р. 82 коп.ни ташкил этган<sup>111</sup>.

Ўлкада Туркистон хайрия жамиятини очиш тўғрисидаги фикрлар 1871 йилда юзага келган. Жамият таъсисчилари илк бор 1872 йил 13 февралда К.П.фон-Кауфман раислигида, жамият низомини кўриб чиқиш учун йиғилган. Низом 1873 йил 31 октябрда ички ишлар вазири Тимаше томонидан тасдиқланган<sup>112</sup>. Жамиятнинг биринчи раиси К.П. фон Кауфманнинг рафиқаси Юлия Маврикиевна бўлган. Туркистон хайрия жамиятининг асосий мақсади Туркистон ўлкаси камбағалларининг маънавий ва моддий ҳолатини яхшилаш учун маблағлар етказиш ҳисобланган. Туркистон хайрия жамияти таркибида бир нечта муассаса очилган бўлиб, улар ўлкага кўчиб келтирилган рус аҳолиси вакиллари учун хизмат қилган. Улардан бири Тошкент «Болалар уйи» бўлиб, дастлабки уч йилда уни таъминлаш учун ҳаражатлар миқдори йилига 1800 р.дан 2500 р.гачани ташкил қилган. Унда 17-25 нафар бола парвариш қилинган. 1874 йилда «Болалар уйи» учун ўз биноси қурилган ва унда 18 нафар болани жойлаштириш мумкин бўлган. Бинонинг қурилишига 7000 р. сарфланган. 1877 йилга келиб «Болалар уйи»да 28 нафар қиз ва 3 нафар ўғил болалар бўлиб, бино 4514 р. ҳисобига кенгайтирилган. Шунингдек, 10000 р. Бухоро

<sup>108</sup> Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 422.

<sup>109</sup> Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎзР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 131.

<sup>110</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2004. - Б. 128.

<sup>111</sup> Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 419.

<sup>112</sup> ЎзР МДА., И – 1 фонд, 28 – рўйхат, 752 – йиғма жилд, 24 - варак.

амири Музаффар томонидан савоб иш учун эҳсон қилинган. 1877 йилдан К.П.фон-Кауфман «Болалар уйи» таъминоти учун ўз тасарруфидаги маблағлардан йилига 3500 р. ажратган. К.П.фон-Кауфман вафотидан кейин (1882 йил 3 май) 1883 йилдан «Болалар уйи» Константин Петрович фон-Кауфман номидаги Тошкент «Болалар уйи» деб атала бошланган. 1881 йилда тарбияланувчилар сони 41 нафар, 1892 йилда эса 60 нафардан ошган. 1884 йилда «Болалар уйи»нинг биноси қайта таъмирланиб, кенгайтирилишига 4000 р. сарфланган<sup>113</sup>. 1895 йил 4 ноябрда «Болалар уйи» император Александр II нинг рафиқаси Мария Александровна тасарруфидаги «Болалар уй»лари қаторига қабул қилиниб, император Александр II нинг рафиқаси Мария Александровна тасарруфидаги Константин Петрович фон-Кауфман номидаги Тошкент «Болалар уйи» деб атала бошланган. «Болалар уйи» таъминоти учун маблағлар шаҳар нафақаси, спектакллар, хусусий эҳсонлар ва карталар сотишдан йиғилган. Иккинчи муассаса «Оналикни муҳофаза қилиш» муассасаси 1880 йил 27 апрелда Туркистон хайрия жамияти томонидан ташкил қилинган. Учинчи муассаса Н.И.Иванов томонидан ҳади қилинган майдонда Император Александр II номи билан аталган «Ногиронлар уйи»га 1881 йил 21 майда генерал-губернатор Г.А.Колпаковский томонидан илк ғишт қўйилган. Уйнинг қурилиши 1882 йил 21 майда якунланган ва мазкур кунда очилган. П.И.Мищенконинг ўлкани қисқа муддатли бошқариш даврида (8,5 ой) 1909 йилда «Ногиронлар уйи» қошида ота-оналари 1908 йилда<sup>114</sup> ўлат даврида вафот этган етим болалар учун «Болалар уйи» ҳамда ўзларининг озиқ-овқатлари учун ойига 10 р. тўлай олган аёллар учун 11 ўринлик «Бевалар уйи» очилган. Тўртинчи муассаса, жамият томонидан 1884 йил 6 декабрда доимий бошпанадан маҳрум бўлиб қолган муҳтож камбағаллар ва бахтсизлар учун, айниқса ёнғингарчилик ва совуқ вақтда тунаш учун ётоқхона очилган. Масалан, Туркистон хайрия жамиятининг Марғилон бўлими 1902 - 1906 йиллардаги ҳисоботига кўра, жамият капиталига 1902 йил 7363 р. 82 коп.дан 4902 р. 34 коп., 1903 йил 7091 р. 58 коп.дан 2950 р. 45 коп., 1904 йил 5638 р. 30 копдан 2510 р. 7 коп.<sup>115</sup>, 1905 йил 5575 р. 40 коп.дан 2416 р. 52 коп.<sup>116</sup>, 1906 йил 2465 р. 30 коп.дан 413 р. 3 коп.<sup>117</sup> хайрия қилинган. Туркистон хайрия жамиятининг Қўқон бўлими 1904 йилги ҳисоботига кўра, капиталга 13714 р. 51 коп. келиб тушган бўлса, 3788 р. 25 коп.<sup>118</sup>, 1905 йил 3080 р. 81 коп. барчаси<sup>119</sup>, 1906 йилги 14276 р. 65

<sup>113</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 421-422.

<sup>114</sup> 1892 йил ўлат эпидемиясидан сўнг етим қолган болалар ҳам «Ногиронлар уйи»да ташкил этилган алоҳида бошпаналарда васийликка олинганлар. Бу етимларнинг 5 ёшдан 13 ёшгача бўлган 33 нафари (22 ўғил бола ва 11 нафар қиз бола) бошпанга жойлаштирилган. Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 421.

<sup>115</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 707-йиғма жилд, 24-варақ.

<sup>116</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 751-йиғма жилд, 57-варақ.

<sup>117</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 832-йиғма жилд, 183-варақ.

<sup>118</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 707-йиғма жилд, 75-варақ.

<sup>119</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 751-йиғма жилд, 77-варақ.

коп.дан 5263 р. 62 коп.<sup>120</sup>, 1907 йил 8919 р. 39 коп.дан 6281 р. 39 коп. хайрия мақсадларида сарфланган. Туркистон хайрия жамияти Наманган бўлими 1906 йилги ҳисоботида кўра, келиб тушган 5192 р. 8 коп.дан 2732 р. 2 коп., 1907 йил 4167 р. 44 коп.дан 2863 р. 51 коп. хайрия қилинган<sup>121</sup>. Туркистон хайрия жамияти томонидан бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилиб турган. Масалан, 1909 йил 1 январьда «Янги йил тонги» мавзусида 2 дан 4 гача маданий хайрия тадбири ташкил қилинган<sup>122</sup>.

Шунингдек, 1902 йил 3 декабрда Андижон шаҳри зилзила оқибатида вайрон бўлганда, 50 минг шаҳар аҳолиси талофат кўрган аянчли кунларда Туркистон хайрия жамиятининг Қўқон ва Марғилондаги бўлимлари Андижон шаҳрига биринчи ёрдамни тезда ташкиллаштириб, ғамхўрлик қилишни амалга оширган. 8 декабрда Туркистон генерал губернаторлиги Андижондаги бўлган воқеага оид ғамхўрлик гуруҳини тузиш бўйича Сирдарё ҳарбий губернаторлигига талабнома юборган, 10 декабрда ушбу талабнома кўриб чиқилиб, тезда комитет ташкил қилиниб, унинг аъзолари шакллантирилган. Шаҳарга ёрдам бериш давомида Тошкент уездидан 5186 р. 42 коп., Чимкент уездидан 2386 р. 62 коп., Казалинск уездидан 1187 р. 8 коп. тўпланган ва хайрия сифатида Андижон шаҳрига маблағлар хайрия қилинган<sup>123</sup>. Шунингдек, юзга яқин кўнгиллилар томонидан ҳам маблағлар сарфланган.

Шунингдек, ўлкада «Туркистон жамиятининг қишлоқ хўжалик колониялари ва вояга етмаганлар учун ҳунармандчилик бошпаналар» фаолият кўрсатган. Муассаса низоми Адлия вазири томонидан 1902 йил 20 июнда тасдиқланган бўлиб, унинг маблағлари аъзолик бадаллари, эҳсонлар, вояга етмаганларни таъминлаш учун ғазна тўловлари, чегирмалар ва жарима суммалари, хўжалик ва колония устахоналари, бошпаналар маҳсулотларини сотишдан, концертлар, спектакллар ҳамда тўгарак йиғимларидан тўпланган<sup>124</sup>.

Император хоним Мария Александровна ҳомийлигидаги «Кўзи ожизлар васийлигида»ги Туркистон қўмитаси 1888 йилда ташкил қилинган. Қўмитанинг маблағлари аъзолик бадаллари, эҳсонлар ва кўзи ожизлар учун тўгарак йиғимлардан тўпланган. Барча тушумлар йилига 8000 р.гача, одатий харажатлар эса 7000 р.гача бўлган. Қўмита ҳомийлигида Тошкент, Верний ва Скобелевда учта кўз касалликлари шифохонаси таъминланган<sup>125</sup>. Жамият томонидан ҳафтанинг душанба, чоршанба, шанба кунлари 12 дан 1 гача кўз касаллари бепул қабул қилинган<sup>126</sup>.

<sup>120</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 832-йиғма жилд, 134-варақ.

<sup>121</sup> ЎзР МДА, И - 1 фонд, 28-рўйхат, 947-йиғма жилд, 108-варақ; 58-варақ; 60-варақ.

<sup>122</sup> «Туркестанские ведомости». № 3323. 1(14) январь, 1909.

<sup>123</sup> Отчет о деятельности Ташкентского комитета для сбора пожертвования 36.0-88. - С. 2-19.

<sup>124</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. - Б. 429-430.

<sup>125</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. - Б. 430-431.

<sup>126</sup> «Туркестанские ведомости». № 3334. 16(29) январь, 1909.

Ўлкада фаолият олиб борган «Маяк» Туркистон хайрия жамияти 1907 йил 1 январда очилган бўлиб, низоми 1907 йил 20 январда тасдиқланган<sup>127</sup>. Жамиятнинг мақсади маҳаллий ёлланган ишчиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун маблағлар излаш бўлган. Жамиятнинг маблағлари аъзолик бадаллари, обуна ленталари бўйича эҳсонлар, жамият аъзолари томонидан ташкил қилинган спектакллар, карта ўйнашда кўмита аъзоларининг эҳсонларидан тўпланган. Жамиятнинг тушуми йилига 1500 р.дан 2750 р.гача, харажатлар эса 1300 дан 2100 р.гача бўлган<sup>128</sup>. 1907 йил «Маяк» хайрия жамияти ҳисоботида кўра, 1242 р. 27 коп. келиб тушган бўлса, шундан, 1185 р. 44 коп. хайрия йўлида сарфланган<sup>129</sup>.

Туркистонда И.Б.Пранайтис ташаббуси билан «Туркистон рим-католик хайрия жамияти» 1906 йил 12 июлда тузилган. Олти ойдан сўнг, 1907 йил 20 январда Туркистон генерал-губернатори Н.И.Гродеков ишлаб чиқилган низомни тасдиқлаб, унинг фаолият олиб боришига расмий рухсат берган<sup>130</sup>. Хайрия жамияти мақсади етим болалар, камбағаллар, бошпанасиз қариялар, қочоқларга ёрдам кўрсатиш деб белгиланган<sup>131</sup>. 1908 йилда мазкур жамиятнинг бўлинмаси Самарқандда<sup>132</sup>, 1916 йилда Андижонда<sup>133</sup> очилганлиги архив маълумотларида қайд қилиб ўтилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги мавжуд ҳужжатлар, жумладан, хайрия жамияти йиғилишлари журналидаги кўчирмалар топиб ўрганилганда, 1916 йил 3 январдаги йиғилиш баённомаси қизиқий уйғотади<sup>134</sup>. Унда жамиятни қайта ташкил қилишга тааллуқли ҳужжат имзоланганлиги келтирилган.

1907 йилдан «Тошкент евангелия-лютеран аёллар хайрия жамияти» ҳам фаолияти йўлга қуйилиб, низоми 1907 йил 9 июнда тасдиқланган. Жамиятнинг мақсади евангелия-лютеран эътиқодига мансуб бўлган муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш ва барча черков муассасаларига ҳомийлик қилиш бўлган. Йиллик тушум 2000-3000 р. бўлган. Камбағалларга нафақалар бериш учун йиллик сарф-харажатлар 400 р.дан ошмаган. Лютеранлар черкови қошидаги ўзаро ёрдам жамияти ўзининг хусусий ўқув юртига эга бўлиб, 1911 йилда унда 11 нафар ўғил ва 8 нафар қиз бола ўқитилган<sup>135</sup>.

Фарғона ҳарбий губернаторининг 1901 йилдаги ҳисоботларидан бирида, вилоятда камбағаллар, мажруҳлар ва руҳий касаллар учун хайрия

<sup>127</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 28 – рўйхат, 833 – йиғма жилд, 44 – варақ.

<sup>128</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 431.

<sup>129</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 28 – рўйхат, 834 – йиғма жилд, 123 – варақ.

<sup>130</sup> ЎзР МДА, И – 17 фонд, 1 – рўйхат, 16247 - йиғма жилд, 3 – варақ. Яна қаранг: ЎзР МДА, И – 1 фонд, 28 – рўйхат, 948 – йиғма жилд, 9 – варақ.

<sup>131</sup> Устав Туркестанского Римско-Католического благотворительного общества в Ташкенте. – Ташкент: Среднеазиатская Жизнь, 1907. - С. 3.

<sup>132</sup> ЎзР МДА, И – 18 фонд, 1 – рўйхат, 2338 – йиғма жилд, 2 – варақ.

<sup>133</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 31 – рўйхат, 1130 – йиғма жилд, 44 – варақ.

<sup>134</sup> ЎзР МДА, И – 17 фонд, 1 – рўйхат, 16247 – йиғма жилд, 40 - 41 – варақлар.

<sup>135</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2004. – Б. 95.

марказларини очиш, бепул бошланғич таълим ва ҳунарларни ўрганиш учун таълим муассасалари ташкил қилишга катта аҳамият берилганлиги ифодаланган. Ўз ўрнида маҳаллий аҳоли ҳам христианларга ёрдам кўрсатган, жумладан черковлар қурилишига маҳаллий аҳоли томонидан эҳсонлар қилинган<sup>136</sup>.

Сирдарёда «Патронат ҳомийлик жамияти» очилган бўлиб, унинг низоми 1910 йил 17 февралда тасдиқланган. Жамиятнинг мақсади Сирдарё вилояти жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга кўмаклашиш ва оилаларига ёрдам кўрсатиш ҳисобланган. Аъзолар сони 180 нафаргача бўлган.

«Авлиё Серий черкови қошидаги биродарлик жамияти» 1910 йил 8 февралда очилган. Жамият мақсади Тошкент шахрининг энг муҳтож аҳолисига, авлиё Серий черкови ибодатчиларига моддий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган. Жамият фаолиятида руҳоний М.П.Омелюстий ва шахар ҳокими Н.Г.Маллицкийларнинг фаоллиги кузатилган. 1911 йил 12 июнда жамият томонидан Ниёзбек кўчасида ясли - болалар уйи очилиб, бир ойдан сўнг у ерга 20 нафар бола жойлаштирилган<sup>137</sup>.

«Туркистон ўлкасидаги хусусий хизматчиларга ўзаро ёрдам кўрсатиш жамияти» низоми дастлаб 1897 йилда ва қайта ўзгартирилган кўринишда 1903 йил 28 февралда тасдиқланган. Жамиятнинг маблағлари бир марта ва йиллик аъзолик бадаллари, эҳсонлар ва бошқа тасодифий тушумлар ҳамда жамият капитали фоизларидан тўпланган.

«Ўлим ҳолатида ўзаро ёрдам Туркистон ҳамкорлик жамияти» низоми дастлаб 1903 йил 23 сентябрда ва қайтадан ўзгартирилган кўринишда 1908 йил 19 сентябрда тасдиқланган. Жамиятнинг мақсади иштирокчиларнинг вафотидан кейин, оиласига ёки аризада кўрсатилган шахслар ва ташкилотларга бир марталик нафақа тайинлашдан иборат бўлган<sup>138</sup>.

Туркистон ҳаваскорлик полклари ҳомийлик жамияти низоми 1910 йил 26 октябрда тасдиқланган. Жамиятнинг мақсади Туркистон ўлкаси шахарларида маҳаллий аҳоли фарзандлари орасидан ҳаваскорлик полкларини ташкил қилиш ҳамда мазкур полкларнинг мавжудлиги учун барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳисобланган<sup>139</sup>.

Тошкент бюджетининг 1914 йилгача бўлган ҳаражат ҳисоботларига кўра, сўнгги 10 йил ичида хайрия жамиятларининг умумий ҳаражатлари 61676 р. 36 коп.ни ташкил қилиб, ўртача йиллик даромад 6167 р. 63 коп.ни ташкил қилган<sup>140</sup>. Тошкент шахридан ташқари ўлканинг бошқа шахарларида

<sup>136</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 6 – рўйхат, 101 – йиғма жилд, 1 – varaқ.

<sup>137</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 433.

<sup>138</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 436.

<sup>139</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. - Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 443.

<sup>140</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шахар» қисми тарихи. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2004. - Б. 28.

хам хайрия жамиятлари очилган. Масалан, 1903-1904 йилларда Самарқанд шаҳрида Туркистон хайрия жамиятининг Самарқанд бўлими, Россия Қизил Хоч жамиятининг маҳаллий бўлими, император Александр II нинг рафиқаси Мария ҳомийлигидаги вилоят «Болалар ғамхўрлик уйи», камбағаллар учун бепул даволаниш шифохоналари каби хайрия муассасалари фаолият олиб борган<sup>141</sup>. Ушбу муассасалар 1909 йилда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган<sup>142</sup>.

1904 йилда Фарғона вилоятида ҳам Туркистон хайрия жамиятининг Янги Марғилон, Қўқон ва Наманган бўлими, Россия Қизил Хоч жамиятининг Янги Марғилон ва Наманган маҳаллий бўлими каби хайрия муассасалари фаолият олиб борган<sup>143</sup>.

XIX аср сўнги чорагида, Туркистон ўлкасида Россия империяси хайрия ташкилотларининг умумий сони 64 тани ташкил этган бўлса, шулардан 32 таси хайрия жамиятлари<sup>144</sup>, 19 таси хайрия муассасалари<sup>145</sup>, 3 таси черков хайрия жамоалари ҳисобланган. 1872-1901 йиллар давомида Туркистон ўлкасида руслар томонидан очилган 83 хайрия ташкилоти фаолият олиб борган<sup>146</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон минтақаси учун саксон учта хайрия ташкилоти Россия империясининг бошқа босиб олган ҳудудларига нисбатан жуда кам ҳисобланган (8-илова). Туркистон рус маъмуриятининг расмий маълумотларига кўра, минтақанинг ҳар 100 минг аҳолиси учун 0,97 хайрия ташкилоти тўғри келган<sup>147</sup>. Россия империяси мустамлакачилари томонидан хайрия ташкилотлари Туркистон ўлкасида асосан, шаҳарларда очилган. Улар асосан Туркистон ўлкасидаги рус халқи учун камдан-кам ҳолларда эса маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатган. Маҳаллий аҳолига ёрдам бериш учун кичик тиббиёт бўлимлари ташкил қилиниб, улар ўлканинг марказдан узоқ бўлган ҳудудларида очилган, шу сабабли маҳаллий аҳоли бор имкониятлардан ҳам етарлича фойдалана олмаган.

Россия империяси томонидан ташкил қилинган хайрия ташкилотлари фаолияти рус халқи учун ўрта даражада бўлган бўлса, маҳаллий Туркистон

---

<sup>141</sup> ЎзР МДА, Библиотека Т 31, С-17. Обзор Самаркандской области за 1904 годъ. - Самарканд: Труд, 1905. - С. 94.

<sup>142</sup> ЎзР МДА, Библиотека Т 31, С-17.1909. Обзор Самаркандской области за 1909 годъ. - Самарканд: Труд. 1912, - С. 56.

<sup>143</sup> ЎзР МДА, Библиотека Т 31, Ф-43.1904. Статический обзор Ферганской области за 1904 год. - Нов.Маргелан, 1905, - С. 102.

<sup>144</sup> Жамият – (араб. йиғилиш; уюшма; гуруҳ) 2. Бирор мақсадда тузилган ихтиёрий бирлашма, ижтимоий ташкилот. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006 - 2008. – Б. 68.

<sup>145</sup> Муассаса – (араб. идора, корхона, ташкилот; институт) хўжалик, савдо-сотик ишларининг бирор соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбиявий ишларини олиб борувчи, белгили штат ва маъмуриятига эга бўлган ташкилот. Масалан: Давлат таълим муассасалари. Ижтимоий муассасалар. Илмий муассасалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006 - 2008. – Б. 623.

<sup>146</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 248.

<sup>147</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 250.

Ўлкаси аҳолиси учун деярли сезилмаган. Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳоли кам таъминланганлиги, мухтож бўлган оилалар болаларининг бу тадбирларга жалб қилинмаганлиги Россия империяси томонидан Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси ҳаёти борасида ижобий ўзгаришлар бўлмаганлигидан далолат беради.

### **XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида хайрия ва ҳомийлик ишлари**

Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик фаолияти Бухоро амирлари ва Хива хонлари томонидан ҳам кенг кўламда амалга оширилган. 1884 йил 11 январда Туркистон генерал губернаторлигининг Қурилиш ишлари бўйича Комитетига келиб тушган мурожаатномалардан бирида Бухоро амирлиги шаҳзодаси (Абдулахад) Тошкент шаҳридаги Абдулқосим эшон, Бароқхон, Кўкалдош ва Хўжа Ахрор масжид ва мадрасалари қайта таъмирланишига ҳомийлик қилиб, 12000 р. маблағ ажратган<sup>148</sup>. 1884 йилда Бухоро амири Музаффар (1861-1885) мадрасалардан бирига 1000 танга сарф қилган<sup>149</sup>. Мирносирбой, Орифжонбой, Аҳадхонбой каби маҳаллий ҳомийлар ушбу мактабларни 25 йил давомида маблағ билан таъминлаган<sup>150</sup>.

Ўрта Осиё алломаларининг хайрия ва ҳомийликка оид илғор ғоялари XVIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган маърифатпарварларнинг асарларида янада бойитилган. Мунис Хоразмийнинг кўпгина асарлари меҳр-мурувват, яхшилик ва олийжаноблик, саховат ва меҳрибонлик ғояларини улуғлашга бағишланган бўлса, Бердақ ижодида тенглик, маърифат, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват, адолат ва ватанпарварлик фазилатларини улуғлаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бердақ ахлоқий қаҳрамонларининг яна бир муҳим томони кишиларни ҳурмат қилиш, айниқса, қариялар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бева-бечораларни иззат - нафсига тегмаслик, уларга иложи борича ёрдам кўрсатиш ҳисобланган. Машҳур мутафаккир Аҳмад Дониш ўз салафлари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бедил қабиларнинг анъаналарини давом эттириб, эзгулик, мурувват ва саховатпешаликни инсон зотининг энг гўзал ахлоқий фазилатлари сифатида талкин қилган. Алломанинг таъкидлашича, замона ҳукмдорлари, бой-бадавлат одамлар ўзларининг халқ олдидаги масъулиятли бурчини унутиб қўйганлар, ҳиммат ва саховатни эслашни хуш кўрмайдилар”<sup>151</sup>.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Хоразм адабий маърифатпарварлик муҳитининг вужудга келишида давлат арбоби, мутафаккир, истеъдодли шоир, нозиктаъб ва улуғ бастакор Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг роли ва ишлари муҳим аҳамиятга эга. У илм-маърифат

<sup>148</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 24 - рўйхат, 177 - йиғма жилд, 1 - варақ.

<sup>149</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. – С. 47.

<sup>150</sup> Аъзам Қ. ва бошқ. Ҳомийлик ва шифокорлар йили: мазмун моҳияти. - Тошкент, 2006. – Б. 23.

<sup>151</sup> Аҳмад Дониш. Наводир - ул вақое. - Т.: Фан, 1964. – Б. 124.

хомийси, ташкилотчиси, санъат ва адабиётнинг чинакам фидойиси сифатида катта ишларни амалга оширган.

Шоир ва тарихчи Баёний ибораси билан айтганда, “унинг даврида ҳар бир маҳалла ўз мачити, унинг қошида мактаб ва мадраса”сига эга бўлиб, жуда кўп нодир асарлар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Феруз маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида 1884 йилда ўз саройида мактаб очган, бу мактабда Мирзо ва Раҳмонқули каби устозлар ёшларга билим бериш билан шуғулланганлар. 1887 йилда бу мактабда 11 ўқувчи таълим олиб, шулардан олти нафари Ферузнинг шахсий ҳисобидан ўқиган. Бундан ташқари Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда янги усул мактаби очилган. Бу мактаб ўқувчиларининг сони 55 нафар бўлиб, шундан 45 нафари маҳаллий миллат фарзандлари бўлган<sup>152</sup>.

Бухоро амири Саид Абдулаҳад (1885-1911) ҳам ҳукмронлик қилган йилларида Бухоро амирлигида ҳам бир қатор хайрли ишларга қўл урилган. Масалан, Амир Абдулаҳадхон Марказий Осиё ҳудудида темир йўл қурилишига хайрихоҳ бўлиб, унинг рухсати билан 1888 йилда Россия ҳарбий ишлар вазирлиги томонидан Бухоро - Самарқанд темир йўли қурилди. Амир ўз ҳисобидан Янги Бухоро (ҳозирги Когон)дан Эски Бухорогача 12 км.ли темир йўл қуришга маблағ ажратди. Унинг молиявий кўмаги билан Амударёдан ўтувчи темир йўл кўприги лойиҳалаштирилиб, 1898 йилнинг 17 октябридан 1901 йилнинг 27 майгача 750 метрлик кўприк қурилди. Кўприк қурилишига 3.468.000 р. миқдорда сарфланган пул амир томонидан берилган бўлса-да, унинг тепасидаги лавҳда «Бу кўприк Николай II (1868-1918; ҳукмронлик йиллари 1894-1917) хазратлари томонидан, амир Абдулаҳад иштирокида қурилди», - деб ёзиб қўйилган эди<sup>153</sup>.

Шунингдек, амир Абдулаҳадхон 1892 йилда Россиядаги муҳтожлар учун 100 минг р.<sup>154</sup>, 1893 йилда Тошкентда очилган 6 синфлик мактабга - 47 минг р.<sup>155</sup>, 1894 йил 1 февральда император Александр III соғлиғи учун Янги Бухоро шаҳридаги рус мактабига 1000 р.<sup>156</sup>, 13 ноябрда марҳум император Александр III учун қурилган ёдгорликка 30 минг р.<sup>157</sup>, 1898 йилда Петербургдаги Аёллар тиббиёт институтига 4000 минг р.<sup>158</sup>, 1899 йилда Ашхобда қурилаётган масжидга – 1000 р.<sup>159</sup>, 1900 йил император соғайганлиги муносабати билан Термизда император номи билан аталадиган

---

<sup>152</sup> Саховатли инсонлар ва саломатлик посбонлари: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Тузувчи М.Матмуродова. - Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. - Б. 14.

<sup>153</sup> Чоржўй // Таржимон, 1901 йил 7 июль. - № 21.

<sup>154</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. – С. 74.

<sup>155</sup> Тошкент // Таржимон, 1893 йил 6 июнь. - № 20.

<sup>156</sup> «Туркестанские ведомости». № 1333. 5(17) январь, 1895.

<sup>157</sup> «Туркестанские ведомости». № 1333. 5(17) январь, 1895.

<sup>158</sup> ЎзР МДА, И – 2 фонд, 1 - рўйхат, 43 – йиғма жилд, 3 – varaқ.

<sup>159</sup> Комил Юнусов. Бухоро амирининг ионаси (мактуб) // Таржимон, 1899 йил 3 октябрь. - № 37.

ўқув муассасасига - 10 минг р.<sup>160</sup>, шунингдек, 1901 йилда Термиздаги рус мактабига – 10 минг р.<sup>161</sup>, 1904 йилда Узоқ Шарқ билан урушда мажруҳ бўлганлар оиласига – 100 минг р. (валиаҳд номидан 10 минг р.)<sup>162</sup>, 1904 йили Кавказда яшовчи қозоқлар учун ўз ҳисобидан 30 минг, ўғли ҳисобидан 10 минг р.<sup>163</sup> миқдорида маблағ ажратган<sup>164</sup>.

1904 йилда Тошкентда мусулмонлар учун Шукурхон мадрасаси ўрнида «Меҳрибонлик уйи»ни таъмирлашга 10916 р. ишлатилиб, вақф мулкидан, аҳолидан хайрия сифатида олинган<sup>165</sup>. Шу йили Хива ҳони ва хивалик савдогарлар ҳам «Қизил Хоч» жамияти учун 300 шинел хайрия қилган<sup>166</sup>. 1906 йили Хива ҳони Туркистон генерал-губернаторнинг аёлига хайрия ишлари учун 1000 р. юборган<sup>167</sup>.

1908 йилгача «Таржимон» газетасига Бухоро амири томонидан 25 йил давомида 4300 р. хайрия қилинган<sup>168</sup>. Амир Олимхон (1911-1919) 1911 йил февралда Қизил хоч жамиятига 100 минг р., Етгисувда содир бўлган зилзила сабабли талофат кўрган оилаларга 25 минг р., шунингдек, Тошкент аёллар гимназияси ҳамда шаҳарда таълим олаётган кам таъминланган болаларга 3000 р.дан<sup>169</sup>, март ойида амир рус аҳолиси учун мўлжалланган касалхонага 4000 р., Қизил хоч жамиятига 100 минг р., чигирткага қарши кураш ишларига 64 минг р. миқдорида хайрия маблағларини ажратган<sup>170</sup>. 1910 йил Хива хонлиги элчихонаси томонидан «Залъм» фабрикаси ишчиларига 50 р. инъом қилган<sup>171</sup>. 1912 йилда Хива хонлиги бош вазири Саййид Исломхўжа шаҳардаги хайрия ташкилотларининг фойдаси учун 100 минг р. сарф қилгани сабаб хон томонидан «вазири акбар» унвонини олган<sup>172</sup>.

Бухоро амири ҳам 1897 йилда шаҳарда камбағаллар ва ногиронлар учун «Дорул Ожизин» («Ночорлар уйи»)га асос солган. Амир Бухоро шаҳрида бошпанасиз, меҳнатга лаёқати бўлмаган, ожиз, муҳтожларга хайрия уйи қуриш ниятида эканини, хайрия уйи бир нечта ётоқхонадан иборат бўлиб, муҳтожлар амир томонидан кунига икки маҳал овқат билан

---

<sup>160</sup> ЎзР МДА, И – 2 фонд, 1 - рўйхат, 92 – йиғма жилд, 1,6 - варақлар.

<sup>161</sup> Бухоро // Таржимон, 1901 йил 8 январь. - № 1.

<sup>162</sup> Бухоро амирининг ҳадяси // Таржимон, 1904 йил 13 февраль. - № 13.

<sup>163</sup> ЎзР МДА., И – 2 фонд, 1 - рўйхат, 182 – йиғма жилд, 4,5 - варақлар.

<sup>164</sup> Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 55.

<sup>165</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 147.

<sup>166</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 150.

<sup>167</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 160.

<sup>168</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 170.

<sup>169</sup> «Правительственный вестник». (Санкт-Петербург), 2,5,8 февраля 1911 г.

<sup>170</sup> «Туркестанские ведомости». 27 февраля, 1 марта, 1911.

<sup>171</sup> «Туркестанские ведомости». № 3743. 3 июль, 1910.

<sup>172</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман»(1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. – С. 192.

таъминланишини таъкидлаган<sup>173</sup>.

Туркистон мусулмонларининг мурожаати билан Бухоро амирлиги ҳукумати 1912 йилда Қарши, Шахрисабз ва Ҳисорда касалхона очилишига 450 минг р. сарфлаган. Шифохоналар қурилишига тошкентлик миллионер Орифхожи ҳомийлик қилган. Шу йил Бухоро амири Олимхон Бухородаги 37 нафар татар талабалари учун 1000 р. хайрия қилган<sup>174</sup>.

Эски Бухоро полиция бошлиғи Вилман 1914 йил 14 июнда сиёсий агентликка йўллаган мактубга кўра, жорий июнь ойининг дастлабки кунларида маҳаллий эшон Шояхсий 63 ёшга тўлиши муносабати билан анъанавий зиёфат берганда, бу тўй учун Бухоро амири ўн беш минг тангани эҳсон қилган<sup>175</sup>. Шунингдек, рус-япон уруши (1904-1905) вақтида Россия империяси армияси муҳтожларига Бухоро амири Абдулахад 1,5 млн р. дан ортиқ хайр-эҳсон қилган<sup>176</sup>. 1914 йил Қўқон аҳолиси ҳам уруш учун 9000 р. тўплаган.

1914 йил Олимхон ҳам ўз отасидан орқада қолмаган ҳолда Биринчи жаҳон уруши (1914-1918)да у ярадор рус аскарлари фойдасига 1 млн. р. хайр-эҳсон қилган<sup>177</sup>. Ана шу хизматлари учун у хатто рус армияси генерал-лейтенанти унвонига сазовор бўлган ва императорнинг генерал-адъютанти этиб тасдиқланган<sup>178</sup>. Бундан ташқари, Абдулахад Тошкент, Бухоро ҳамда Россиянинг баъзи минтақалари муҳтож аҳолисига рус мактаблари очилиши учун катта миқдорда хайр-эҳсон қилган<sup>179</sup>.

«Россия муҳтожликлари учун» амир томонидан қилинган хайр-эҳсонлар Бухоро ва Россия ўртасида «дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш», деб баҳоланган<sup>180</sup>. Гаспринский Абдулахадни қоралаб, шу хайр-эҳсонларнинг кичик қисмига керакли йўналишда давлат ишларини ривожлантира олиши мумкин бўлган бир қанча саводли одамларни тайёрлаш мумкинлигини ёзган<sup>181</sup>. Шунингдек, Гаспринский, «Berlin Tagblat» хабарига асосланиб, Абдулахад турк султони билан қурилган Хижоз темир йўли учун 160000 р. хайр-эҳсон қилганлигини таъкидлайди<sup>182</sup>. Абдулахаднинг бу қилган ишини турлича баҳолаш мумкин. Биринчидан, у турк султони каби ўзини мусулмонларнинг ҳомийси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, у эҳтимол, руслар олдида ўзининг камситилган ҳолати учун ўзини оқлаган. Хива хонлари ҳам турли вақтда рус армияси аскарлари

<sup>173</sup> ЎзР МДА, И – 1 фонд, 29 - рўйхат, 1289 – йиғма жилд, 1 - варақ.

<sup>174</sup> Ўша манба – Б. 198.

<sup>175</sup> Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан (Маъсул муҳаррир; Ҳ.Б.Бобоев) –Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 37.

<sup>176</sup> Бухоро амирининг ҳадяси // Таржимон. 1904. № 13.

<sup>177</sup> Бухорā амирининг ионаси // Таржимон. 1914. № 230.

<sup>178</sup> Жаноби Олий Бухоро амири Саййид Мир Олимхон ҳазратлари номига содир олинмиш фармони императори // Таржимон. 1916. №7.

<sup>179</sup> Ионаи Абдулахадхон // Таржимон. 1892. № 4; Тошканд // Таржимон. 1893. № 20.

<sup>180</sup> ЎзР МДА, И - 2 фонд, 31 - рўйхат, 251 - йиғма жилд, 18 - варақ.

<sup>181</sup> Исмоил. Бухоро // Таржимон. 1896. № 49.

<sup>182</sup> Бухоро амири... // Таржимон. 1901. № 9.

фойдасига пул ва нарсалар билан хайр-эҳсонлар қилган<sup>183</sup>.

Айниқса шу далил ҳам қизиққи, маҳаллий мусулмон амалдорларнинг аёл ва қизлари ҳам рус-япон уруши вақтида ярадор рус аскарлари фойдасига ўзаро хайр-эҳсонлар қилган<sup>184</sup>.

Жадидлар жамиятлари фаолиятида тил билиш, дунёвий фанларни ўрганишга иштиёқ, жадид маърифатпарварлари орасида кенг тарқалган эди ва улар бу фазилатларни ёшлар онгига ҳам сингдиришга ҳаракат қилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳомийлиги остида 1909 йилда ташкил топган «Ширкати Бухорои шариф» ва «Тарбияи атфол» ёрдамида Бухородан бир гуруҳ ёшлар Туркияда таҳсил олишга кетган. Ўша йили «Тарбияи атфол» жамияти Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ато Хўжа, Мазҳар Бурхонов каби кўпгина ёшларни Истанбулга ўқишга йўллаган. Фикримизни Р.Шарипов ўз китобида қуйидагича тасдиқлайди: «1909 йилнинг эрта баҳорида «Ширкати Бухорои шариф» маърифатпарварлик жамияти йўлланмаси билан бир киши Боғчасаройга, яна бир киши Истанбулга «усули жадид»ни ўрганишга юборилди. Бухоро уламолари бу жамиятга ва унинг кўшни ўлкалар билан алоқа ўрнатишга қаттиқ қаршилик кўрсатганлари сабабли, кўп ўтмай, ширкат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

1909 йил 18 июнь куни Бухоронинг тараққийпарвар ёшлари «Тарбияи атвол» номли янги жамиятга асос солди. Кейинчалик, жамият фаоллари томонидан Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ёждувонда ҳам жамиятнинг 28 та шаҳобчаси ташкил қилинган<sup>185</sup>.

Яна уламоларнинг қаршичилигига дуч келмаслик мақсадида янги жамият аъзолари ўзининг ҳар бир қадамини яширин тарзда қўйиб, ёшларнинг чет элга ўқишга боришлари учун махфий равишда иона тўплаган<sup>186</sup>. Бундан ташқари, жамият ҳомийлигида Мукаммалиддин уйида хусусий ва яширин мактаб фаолият юритиб, унда ўзига яқин кишиларнинг болалари ўқитилган<sup>187</sup>.

Бухоронинг тараққийпарвар ёшлари Истанбулда ҳам «Бухоро хайрия жамияти»га асос солиб, ташкилот бухоролик ва туркистонликларни қўллаб қувватлаган<sup>188</sup>. Истанбулда таҳсил олаётган талабалар сони йилдан-йилга кўпайиб бориб, 1911-1912 йилларда 30 нафарга етган. Ҳамза, Ғози Юнус ҳам Туркияда ўқиган<sup>189</sup>. Туркистонда фаолият олиб борган жамиятлар кўмагида Бухородан чет элга таҳсил олиш учун юбориладиган талабалар сони 1911 йили 15 нафарга, 1912 йили 30 нафарга етган<sup>190</sup>.

<sup>183</sup> Хива хони... // Таржимон. 1904. № 57; Бухоро ва Хива хонлари // Таржимон. 1904. № 70; Ташкент (рус.) // Таржимон. 1904. № 89; [Хива хони...] // Таржимон. 1906. № 84; Хива // Таржимон. 1913. № 160.

<sup>184</sup> Тошканд // Таржимон. 1904. № 17.

<sup>185</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва, 1926. – Б. 84.

<sup>186</sup> Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан (Маъсул муҳаррир; Ҳ.Б.Бобоев) –Тошкент: Ўқитувчи, 2002. - Б. 81.

<sup>187</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва, 1926. – Б. 88.

<sup>188</sup> Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман»(1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 178.

<sup>189</sup> Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислоҳот ва қарашлар. – Тошкент: Турон-иқбол, 2010. – Б. 31.

<sup>190</sup> Ирзаев Б. Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 9.

Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасида фаолият олиб борган хайрия ва ҳомийлик жамиятлари ўлка аҳолиси ҳаётида янгилик ҳисобланса-да, ушбу жамиятлар фаолияти асосан ўлкага кўчириб келтирилганларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш ва марказдан кўплаб аҳолининг Туркистонга кўчиб келишини, улар орқали руслаштириш сиёсатини амалга оширишни назарда тутган. Бироқ ана шундай мураккаб давр – XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Туркистонда маҳаллий ўлка вакиллари томонидан хайрия ва ҳомийлик жамиятларининг тузилгани, маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг маърифатли бўлиши учун самарали ишлар амалга оширилганини ҳам кўриш мумкин.

**Таянч сўзлар:** Туркистон, Туркистон генерал губернаторлиги, ижтимоий ҳимоя, хайрия, ҳомийлик, саховат, садақа, ҳадя, эҳсон, эҳтиёж, жамият, Сўфизода, закот, хайр-эҳсон.

#### **Мавзунинг такрорлаш учун саволлар:**

1. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик ишлари қандай муносабатлар тизимида ривожланганлигини мисоллар билан изоҳланг?
2. Хусусий хайрия ва ҳомийлик ишлари билан шуғулланган Туркистон ўлкаси маҳаллий бойлари фаолиятига тўхталиб ўтинг?
3. «Мақтаби Исҳоқия» мактаби ҳақида нималарни биласиз?
4. Туркистон ўлкасида мусулмон хайрия жамиятини ташкил қилиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтинг?
5. Туркистон ўлкасида мусулмон хайрия жамиятини ташкил қилиш масалалари илк бор матбуотда ёритилишини изоҳланг?
6. Дастлабки мусулмон хайрия жамиятларининг очилиши ҳақида нималарни биласиз?
7. XIX асрнинг сўнгги чорагида Туркистонда хайрия муносабатлари ҳамда XX аср биринчи чорагида Туркистондаги хайрия муносабатларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларига тўхталиб ўтинг?
8. Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида жадидлар томонидан асос солинган хайрия жамиятларига мисоллар келтиринг?
9. Жадид маърифатпарвари Исмоил Гаспиринскийнинг хайрия ва ҳомийлик фаолиятига оид қараш ва фикрларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинг?
10. «Жамияти хайрия» ташкилоти ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
11. Туркистон ўлкаси ёшларининг хорижда таҳсил олишида ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлаган ташкилотлар ҳамда маҳаллий бойлар фаолияти ҳақида тўхталиб ўтинг?
12. Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик кўрсатган маҳаллий

- савдогарлардан кимларни биласиз?
13. «Тарбияи атфол», «Бухоро хайрия жамияти», «Жамияти Имдодия», «Ширкати Бухорои шариф», «Муаллимлар жамияти» каби хайрия жамиятлар фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
  14. Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сўфизода, Сиддикий Ажзий, Абдурауф Фитрат каби таниқли жадид намоёндаларининг хайрия ва ҳомийлик фаолиятларини шарҳланг?
  15. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида Россия империясининг хайрия ва ҳомийлик соҳасида олиб борган «мақсадли» ва «манфаатли» сиёсатини ёритишда маълумотларнинг ишончлилиги қандай даражада ўрганилган?

### Мавзунини мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари

1. Тошкентлик обрўли бойлардан бирининг номи тўғри келтирилган қаторни топинг?
  - A) Исоқхонбой
  - B) Мираъзам Мирохунов**
  - C) Хасан Поздняков
  - D) Абдулаҳадхон
  
2. Андижонда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширган бой савдогар номини белгиланг?
  - A) Мираъзам Мирохунов
  - B) Орифхўжа Азиз Ходжинов
  - C) Миркомилбой Мўминбоев**
  - D) Ҳамзахўжа Хожинов
  
3. 1881-1887 йилларда Сирдарё-Чиноз йўналишида кўприк қурилишига ҳомийлик қилган савдогарни аниқланг?
  - A) Миркомилбой Мўминбоев
  - B) Хасан Поздняков**
  - C) Мираъзам Мирохунов
  - D) Исоқхонбой
  
4. Қайси йили Абдулғани Хусаинов 300 нафар мусулмон бўлган камбағалларни ўз васийлигига олиб, Оренбургда хайрия ташкилотига асос солган?
  - A) 1899
  - B) 1895
  - C) 1892**
  - D) 1900

5. Ибрат домла қайси шаҳарда дастлаб ҳаммом қурдириб, кейинчалик унинг ўрнига дастлабки босмахонага асос солган эди?

- A) Култепа шаҳрида
- B) Қўқонда
- C) Чиноз
- D) **Тўрақўрғон**

6. Қўқонда учта кўприк қурилишига 8 тилла билан ҳомийлик қилган бой савдогарни аниқланг?

- A) **Ҳамзахўжа Саримсоқ Хожинов**
- B) Абдулғани Хусаинов
- C) Мирзабой Ғиёсов
- D) Ибрат домла

7. «Мактаби Исҳоқия» мактаби нечанчи йил ташкил этилган?

- A) 1906
- B) 1909
- C) **1907**
- D) 1911

8. Туркистон ўлкасида мусулмон хайрия жамиятини ташкил қилиш масаласи илк бор қачон кўтарилган эди?

- A) 1894 йил Тужжор газетасида
- B) 1889 йил Туркистон газетасида
- C) 1906 йил Тараққий газетасида
- D) **1884 йил Таржимон газетасида**

9. Туркистон ўлкасидаги тикланиш даврининг шаклланиши ва ривожланиши тўғридан-тўғри таълим, матбуот ва хайрия жамиятлари билан боғлиқлиги, «Таржимон» мусулмон матбуотининг бу соҳаларнинг фаолиятини ёритишдаги ўрни ва ролини қайд қилиб ўтган маърифатпарвар шахсни белгиланг?

- A) Рауф Музаффарзода
- B) Абдулла Авлоний
- C) **Лазиз Азиззода**
- D) Мунаввар Қори

10. 1894 йилда шаҳар қозиси Низомиддинхожи ташаббуси билан 1500 р. миқдорда маблағ тўпланиб, қандай номдаги ташкилотга асос солинган?

- A) Меҳрибонлик уйи
- B) Жамияти хайрия
- C) **Дорул ожизин**
- D) Мактаби Исҳоқия

11. Садақа «бойнинг қашшоққа, соғнинг беморга, олимнинг ўқимаганга кўрсатган ёрдами»дир. Ушбу фикр қайси жаҳид намоёнчасига тегишли?

- A) Махмудхўжа Бехбудий
- B) Абдурауф Фитрат
- C) Абдулла Авлоний
- D) **Исмоил Гаспиринский**

12. Абдулла Авлоний томонидан 1909 йил 12 майда қандай номдаги ташкилотга асос солинган?

- A) **Жамияти хайрия**
- B) Тарбия атфол
- C) Кўмак
- D) Нашри маориф

13. Жамияти хайрия ташкилотининг низоми нечи моддадан иборат?

- A) 25
- B) **41**
- C) 40
- D) 31

14. Қайси жаҳид маърифатпарвари Жамияти хайрия раҳбари сифатида дастлаб 4 ой давомида фаолият юритиб, кейинчалик нуфузли тошкентлик бой Саидкаримбой Саидазимбоев томонидан бошқарилган?

- A) Абдурауф Фитрат
- B) **Абдулла Авлоний**
- C) Махмудхўжа Бехбудий
- D) Исмоил Гаспиринский

15. Зиё Камолий (1873-1942) томонидан 1906 йилда ташкил қилинган муассасада таҳсил олганлар орасида Мўминжон Муҳаммаджонов, Лутфулла Олимий, Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдулхай Тожиев, Тоҳир Шокирлар бор эди. Ушбу муассаса тўғри келтирилган қаторни белгиланг?

- A) Хусайния
- B) Жамияти хайрия
- C) Тарбия атфол
- D) **Олия**

16. Хусайния муассасаси қачон ва қаерда ташкил этилган?

- A) **1890 йил Оренбург**
- B) 1906 йил Тошкент
- C) 1896 йил Уфа
- D) 1907 йил Қрим

17. Қайси дам олиш масканида якшанба куни 11 дан 2 гача, жума куни 10 дан 12 гача ташриф буюрганларга бепул бўлган?

- A) Шайх Хованди Тоҳур боғида
- B) «Туркистон» музейида**
- C) Дор-ул ожизин
- D) Бешёғоч даҳаси

18. Қуйдаги қайси маҳаллий бой ва савдогар хайрли ишлар ва хомийлик фаолияти хизматлари учун кўкракка тақадиган «Яхши хизматлари учун» деб ёзилган кумуш нишон билан тақдирланган?

- A) Амхоқбой Абдуалиев**
- B) Орифхўжа Эшон
- C) Саидкарим Саидазимбой ўғли
- D) Мирзо Абдуллоҳ хожи Муҳаммадбой ўғли

19. XX аср бошларида савдогарлик ишларига ҳукумат тамонидан катта аҳамият берилиши натижасида Тошкент шаҳрида савдогарлар мактаби қачон очилган?

- A) 1906 йил 25 сентябр
- B) 1903 йил 3 июлда
- C) 1907 йил 30 августда**
- D) 1904 йил 28 октябрда

20. Шундай хайрия жамиятларидан бири 1909 йили 15 июль, айрим маълумотларга кўра, 10 августда Тошкентда таъсис қилинган бўлиб, Ушбу муассаса ташкилотчилари бошида Тошкент жадиdlарининг етакчиси Мунаввар қори Абдурашидхонов турган. Ушбу жумлалар қайси ташкилот ҳақида маълумот бермоқда?

- A) Тарбияи атфол
- B) Жамияти хайрия
- C) Дорул ожизин
- D) Жамияти Имдодия**

21. 1917 йил «февраль воқеалари» арафасида Туркистонда жадиd усулига асосланган янги турдаги мактаблар сони нечтани ташкил этган эди?

- A) 85
- B) 92**
- C) 88
- D) 96

22. Туркистон ўлкасида илк рус хайрия жамиятларининг тузилиши даври тўғри келтирилган қаторни аниқланг?

- A) XIX асрнинг 70-йиллари**
- B) XX асрнинг 20-йиллари
- C) XIX асрнинг 50-йиллари

D) XIX асрнинг 90-йиллари

23. Ташкилот 1907 йил 1 январда очилган бўлиб, низоми 1907 йил 20 январда тасдиқланган. Жамиятнинг мақсади маҳаллий ёлланган ишчиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун маблағлар излаш бўлиб, жамиятнинг маблағлари аъзолик бадаллари, обуна ленталари бўйича эҳсонлар, жамият аъзолари томонидан ташкил қилинган спектакллар, карта ўйнашда қўмита аъзоларининг эҳсонларидан тўпланган. Ушбу маълумотлар қайси ташкилотга тегишли эканлигини аниқланг?

- A) «Туркистон рим-католик хайрия жамияти»
- B) «Туркистон хайрия жамияти»
- C) **Камбағалларга ёрдам кўрсатиш «Маяк» жамияти**
- D) «Кўзи ожизлар васийлигида»ги Туркистон қўмитаси

24. 1872-1901 йиллар давомида Туркистон ўлкасида руслар томонидан очилган хайрия ташкилотлари сони нечтани ташкил этган?

- A) 97 та
- B) **83 та**
- C) 64 та
- D) 78 та

25. Туркистон ўлкасида Россия империяси хайрия фаолиятига оид тўғри берилган қаторни белгиланг?

A) **хайрия ташкилотлари умумий сони 64 тани ташкил этган бўлса, шулардан 32 таси хайрия жамиятлари, 19 таси хайрия муассасалари, 3 таси черков хайрия жамоалари ҳисобланган.**

B) хайрия ташкилотлари умумий сони 64 тани ташкил этган бўлса, шулардан 19 таси хайрия жамиятлари, 32 таси хайрия муассасалари, 3 таси черков хайрия жамоалари ҳисобланган.

C) хайрия ташкилотлари умумий сони 64 тани ташкил этган бўлса, шулардан 3 таси хайрия жамиятлари, 19 таси хайрия муассасалари, 32 таси черков хайрия жамоалари ҳисобланган.

D) хайрия ташкилотлари умумий сони 64 тани ташкил этган бўлса, шулардан 32 таси хайрия жамиятлари, 3 таси хайрия муассасалари, 19 таси черков хайрия жамоалари ҳисобланган.

## ХУЛОСА

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мустамлакачилар томонидан хайрия ташкилотлари шаҳарларда очилган бўлиб, улар асосан ўлкадаги рус халқига, камдан-кам ҳолларда эса маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатган. Маҳаллий аҳолига ёрдам бериш учун кичик тиббиёт бўлимлари ташкил этилиб, улар ўлканинг марказдан узоқ бўлган худудларида очилгани сабабли маҳаллий аҳоли бор имкониятлардан ҳам етарлича фойдалана олмаган. Ўлканинг маҳаллий аҳолиси орасида кам таъминланган, муҳтож оилалар болаларининг бу тадбирларга жалб қилинмагани сабабли Россия империяси томонидан Туркистон маҳаллий аҳолиси ҳаётида ижобий ўзгаришлар деярли бўлмаган.

Қўлланмада Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик ташкилотлари фаолияти икки хил босқичда ўтгани билан хусусиятланиши кўрсатиб берилган. Биринчи босқич, XIX асрнинг сўнги чорагида, Туркистон ўлкасида хайрия, хайр-эҳсонга бўлган муносабатлар бир томонлама тарзида намоён бўлди, шунингдек, бу даврда Россия империясининг Туркистон ўлкасида яшовчи рус миллатига мансуб фуқароларига бўлган эътибор туфайли хайрия ва ҳомийликка бўлган муносабат ўзгарди. Иккинчи босқич, XX аср биринчи чорагида хайрия ва ҳомийлик нафақат хусусийлик балки, жамоавийлик тарзида намоён бўла бошлади. Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳоли учун турли хил жамиятлар ва муассасалар ташкил қилинди. Буларнинг асосий ташаббускорларини маҳаллий бадавлат кишилар, жаҳид маърифатпарварлари, илм аҳли ва зиёлилар ташкил этди. Туркистон ўлкасида амалга оширилган ушбу фаолият жамиятда ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнларни тубдан ислоҳ қилиш, маҳаллий аҳолининг илм-фан, таълим соҳасида юксалиши, Туркистоннинг дунёни кўриш орзуси амалга ошишига ўз ҳиссасини қўшиди ва қадрият сифатида шаклланишда давом этди.

# Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

## I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2017 йил 7 декабр. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 64 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 48 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 508 б.

8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 366 б.

9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

## II. Архив ҳужжатлари

### Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА)

1. ЎЗР МДА., И – 1 фонди - Туркистон Генерал - губернаторлиги девонхонаси

2. ЎЗР МДА., И – 2 фонди - Туркистон Генерал - губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик ишлар бўйича бошлиғи

3. ЎЗР МДА., И – 15 фонди - Фарғона вилояти Чимён уезди бошқарма бошлиғи

4. ЎЗР МДА., И – 17 фонди - Сирдарё вилояти бошқармаси

5. ЎЗР МДА., И – 18 фонди - Самарқанд вилояти бошқармаси

6. ЎЗР МДА., Р – 17 фонди - Туркистон марказий ижроия қўмитаси

7. ЎЗР МДА., М - 1 фонди - Ўзбекистон Республикаси Волейбол Федерацияси

8. ЎзР МДА., М – 15 фонди - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
9. ЎзР МДА., М – 37 фонди - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
10. ЎзР МДА., М – 38 фонди - Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари бўйича вазирлиги
11. Фарғона вилояти Давлат архиви. 154, 664, 687, 1125 - фондлар

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

1. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. – 154 б.
2. Лисицкая О.В. История католических общин в Туркестане (вторая половина XIX века-1917 год): Дисс. канд. ист. наук. – Тошкент, 2004. – 138 с.
3. Султонов Ў.Х. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида): Тарих фан.док. ... дисс. - Тошкент, 2016. – 398 б.
4. Тайронов Ё.Р. XX аср бошларида Туркистон тадбиркорларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолияти.: Тарих фан.ном. дисс. - Тошкент, 2011. – 186 б.
5. Турсунов Р.Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фан.ном. ... дисс. - Тошкент, 2008. – 146 б.
6. Якубов Қ.К. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Хива хонлигида Вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили): Тарих.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. - Тошкент: 2018. – 156 б.

### **IV. Адабиётлар**

1. Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: Связи – отношения – влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 384 с.
2. Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - 234 с.
3. Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский ва Туркистонда жадидчилик. - Тошкент, 2008. – 107 б.
4. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. -304 б.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Т.2. - Тошкент: Маънавият, 1998. – 10 б.
6. Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йй). - Тошкент: Фан, 2009. – 164 б.
7. Алиқулов Х. ва бошқ. Ҳомийлик ва саҳоват – энг олий қадрият. И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент, 2006. - 34 б.

8. Болтабоев С.Д. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: Наманган, 2005. – 56 б.

9. Волков И.В. Об учреждениях общественного призрения в Туркестанском крае: историко-правовой аспект. - Москва: Власть, 2017. - 142 с.

10. Гаффоров Н.У. Деятельность благотворительных обществ Среднеазиатских джаидов в сфере народного образования. // Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. - Хўджанд, 2013. – 110 - 121 с.

11. Добросмыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. - 542 с.

12. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. - Тошкент: Университет, 2006. 54 б.

13. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. 5-Жилд. Тошкент: Маънавият, 2010.

14. Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Тошкент). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.- 216 б.

15. Ирзаев Б. Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 208 бет.

16. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. - Тошкент: Фан ва технология, 2004. - 140 б.

17. Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2005. – 129 б.

18. Маҳмудхўжа Бехбудий. Сағирлар ҳақида // Ойина (1914-1915 йй). – Тошкент: Академия, 2001. – 46 с.

19. Маърифатпарвар шоир: Методик библиографик қўлланма /Тузувчи: М.Матмурадова. - Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2003.

20. Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислоҳот ва қарашлар. Тошкент: Турон-иқбол, 2010. - 152 б.

21. Наливкин В.П. Очерк благотворительности у оседлых туземцев Туркестанского края // Сборник материалов по мусульманству / Т.2. Под редакцией В.П.Наливкина. – Ташкент, 1900. – 140 с.

22. Отчет о деятельности Ташкентского комитета для сбора пожертвования 36.0-88. 2-19 с.

23. Отчет мусульманского общества «Помощь» в Ташкенте // ТВГ. 1911. №9.

24. «Садои Фарғона» газетасига тузилган библиографик кўрсаткич (1914–1915 йиллар). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – Б. 56.

25. Салихов Р. Мусулманская благотворительность и проблема формирования общинного самоуправления. Ислам. Среднем Поволжье: история и современность. Очерки. – Крим, 2001. - 295-318 с.

26. Тайронов Ё. XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. - Тошкент, 2009. – 351 б.

27. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: Академхизмат, 2006. – 256 б.

28. Устав общества любителей мусулманского драматического искусства «Турон» в городе Ташкенте. - Ташкент, 1916 г. - 44 с.

29. Устав Туркестанского Римско-Католического благотворительного общества в Ташкенте. – Ташкент: Среднеазиатская Жизнь, 1907. - 22 с.

30. Шарипов Р. Туркистон жадидалилик ҳаракати тарихидан. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002. - 176 б.

31. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 296 б.

32. Шодмонова С. Б. Деятельность русских врачей в Туркестане в конце XIX - начале XX вв. // Россия и Узбекистан: История и Современность. Выпуск 5. Ташкент, 2018. - 80 с.

33. Шодмонова С. Медицина и население Туркестана: традиции и новации (конец XIX – начало XX вв.). Историческая этнология. Том 2, № 1. - Ташкент, 2017. – 129 с.

34. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 396 б.

35. Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. - Тошкент: Янгинашр, 2017. – 379 б.

## V. Хорижий адабиётлар

1. Devis S. Philanthropy as Virtue in Late Antiquity and the Middle Ages // Giving: Western Ideas of Philanthropy. Indiana University Press, 1996. 23 p.

2. Layish A. The Family Waqf and the Shar‘ī Law of Succession in Modern // Islamic Law and Society. Vol. 4. No 3. 1997. – 352-388 p.

3. Leyby James. Charity Organization Reconsidered // Social Service Review 58. December, 1984. - 523-538 p.

4. Lindenmayer A. Poverty is not a Vice: Charity, Society and the State in Imperial Russia. - Princeton, 1996. - 26-47, 74-98 p.

5. Paul Krause. The Battle For Homestead, 1880-1892: Politics, Culture and Steel (Pittsburgh series in social and labor history). - Pittsburgh and London.: University of Pittsburgh Press. 1992. – 238 p.

6. Trattner W.I. From Poor Law to Welfare State: A History of Social Welfare in America. - New York, 1989. – 40 p.

7. Hansan J.E. Charity Organization Societies (1877 – 1893). Social Welfare History Project. Retrieved. 2013. – 445 p.

#### **VI. Даврий матбуот материаллари**

1. «Садои Туркистон», 1914, № 3, – № 6, 17 апрель.

2. «Гаржимон», 1908 йил. №3, 1899. №38; 1899. №47.

3. «Тараққий», 1906, № 11, 28 февраль.

4. «Туркестанские ведомости», № 1333, 1425, 1427, 1334, 3164, 3323, 3334, 3743. Йил-1895, 1909, 1911.

5. «Қизил Ўзбекистон», 1941 йил 7 ноябр.

#### **VII. Электрон сайтлардаги материаллар**

1. <http://fondkarimov.uz>

2. <http://www.vaqf.uz>

3. <http://www.lex.uz>

4. <http://xs.uz>

5. <http://kun.uz>.

6. <http://uz24.uz>

7. <http://sputniknews-uz.com>

8. <http://uza.uz>

## ГЛОССАРИЙ

1. **Ижтимоий ҳимоя** – давлат ва жамиятнинг қарилиги, соғлиғи, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун воситалар билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга муҳтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрлиги.
2. **Хайрия** – (араб. хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам) хайрия жамияти моддий ёрдам уюштирувчи жамият.
3. **Ҳомийлик** – 1. Ҳимоя этиш, тарафини олиш, ёрдам бериш, кўллаб қувватлаш. 2. Бирор тадбир ёки фаолиятни молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам.
4. **Хайр-эҳсон** – (араб. яхши, эзгу, сўз; эзгулик, яхшилик) 1. Тиланчига, бева-бечораларга бериладиган садақа, эҳсон. 2. Бировга қилинадиган холис ёрдам, саховат.
5. **Саховат** – (араб. қўли очиклик, олийҳимматлик, саховатлилик) Баланд ҳимматлилик, сахийлик.
6. **Феномен** – (юн. Phainomena – туюладиган, кўринадиган нарса) 1. Хис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча. 2. Ғайриодатий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс.
7. **Филантропия** – (юн. Philanthropia – одамсеварлик) хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам.
8. **Садақа** – (араб. хайр-эҳсон) 1. Тиланчига, муҳтожларга бериладиган хайр-эҳсон. 2. Худо йўлига, азиз авлиёларга улардан нажот истаб қилинадиган эҳсон, қурбонлик. 3. Олувчи назарида садақа бўлиб туюладиган хайр-эҳсон, пул.
9. **Эҳсон** - (яхшилик, самимийлик, мурувват, бирор нарсани ҳадя қилиш) 1. хайрли, савобли иш, эзгулик. 2. Худо йўлига бериладиган зиёфат, хайр-эҳсон. 3. Ҳадя, инъом. 4. Эҳсон (эркаклар исми).
10. **Ҳадя** – (араб. совға, туҳфа) тақдим этилган нарса, тортиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 474; Ҳадя (фуқаролик ҳуқуқида) - бир шахснинг ўз мулкани иккинчи шахсга бепул бериши ҳақидаги шартнома.
11. **Эҳтиёж** - организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман жамиятнинг ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган нарсаларга талаб, муҳтожлик.
12. **«Олия» мактаби** - Зиё Камолий (1873-1942) томонидан 1906 йилда ташкил қилинган. «Олия»да ўқиганлар орасида Мўминжон Муҳаммаджонов, Лутфулла Олимий, Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдулхай Тожиев, Тоҳир Шокирлар бор эди.
13. **«Хусайния» мактаби** - 1890 йилда Оренбургда очилган. «Жамияти хайрия» томонидан талабаларни чет элларда ўқитиш ишларига хомийлик қилиб, унинг кўмагида ёшлар Россия империясининг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидаги олий мактаб ва

мадрасаларига, шунингдек, Истанбул, Қохира каби хорижий шаҳарлардаги дорилфунунларга ўқишга жўнатилган.

14. **Абдулла Авлоний** - 1909 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очган. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартириб, ўз кўли билан парта ва доскалар ясаган. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг фарзандлари бўлганлиги учун уларнинг таъминотини яхшилаш мақсадида «Жамияти хайрия» ташкил этиб, бу жамиятга ўзи раислик қилган. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўкони очган. У дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилиб ва ўзи ушбу мактаблар учун дарсликлар яратган.

15. **Маҳмудхўжа Бехбудий** - У ўлкадаги “усули жаид” мактабининг дастлабки назариётчи ва амалиётчиларидан, умуман, жаидчилик ҳаракатининг тан олинган карвонбошиларидан ҳисобланди. У 1908 йили Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдулқодир Шакурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига кўчириб келиб, унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берган.

16. **Сўфизода** - 1913 йилда узоқ давом этган чет эл сафаридан Чустга қайтиб келиб, усули жаид мактаби очган. Камарсада қишлоғида етим болалар учун «Дорулайтом» (Етимлар уйи) ва катталар учун кечки мактаб ташкил қилган.

17. **Сиддикий Ажзий** - 1918 йили Тошкентда ташкил топган Туркистон халқ дорилфунунида ёрдам жамияти тузади.

18. **Закот** - (араб. тозаланиш, садақа бериш) молмулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Ислоннинг 5 асосий талабларидан бири. Шариатта мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон томонидан берилади. Закот берувчи кишининг маблағи ўзи ва қарамоғидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўконда сотиладиган, сотаман деб олиб кўйган нарсалари, бировга берган қарзи киради. ...У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига киради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. Закот миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг. ...Закот аввал қариндошлар орасидаги мухтожларга, бундай қариндошлар бўлмаса, камбағал, қарздор, мусофирларга берилади.

19. **Константин Карлович Грот (1815 – 1897)** - 1892 - 1896 йилларда камбағалларнинг хайрия жамғармалари тўғрисидаги қонунни ислоҳ қилиш бўйича ҳукумат комиссиясининг раиси лавозимида ишлаган.

20. **Жамият** – (араб. йиғилиш; уюшма; гуруҳ) 2. Бирор мақсадда тузилган ихтиёрий бирлашма, ижтимоий ташкилот.

21. **Муассаса** – (араб. идора, корхона, ташкилот; институт) хўжалик, савдо-сотик ишларининг бирор соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбиявий ишларини олиб боровчи, белгили штат ва маъмуриятига эга

бўлган ташкилот. Масалан: Давлат таълим муассасалари. Ижтимоий муассасалар. Илмий муассасалар.

22. **“Дорул Ожизин”** (“Ночорлар уйи”) 1894 йилда шаҳар козиси Низомиддинхожи ташаббуси билан 1500 рубл миқдоридида маблағ тўпланиб, маҳаллий аҳоли учун асос солинган.

23. **“Меҳрибонлик уйи”** - 1896 йилда Ўш шаҳри аҳолиси Туркистонда яъни Фарғона вилоятида биринчи мусулмон уйига асос солишган. 1899 йилда Тошкентда кейинчалик Эски Марғилон шаҳрида ҳам иккита маҳаллий аҳолиси учун ташкил этилган эди.

24. **“Дорул Ожизин”** - Бухоро амири ҳам 1897 йилда шаҳарда камбағаллар ва ногиронлар учун асос солган.

25. **“Турон” жамияти** - 1913 йилда Туркистон ўлкасида жадид маърифатпарвари Мунаввар Қори бошчилигида тузилган илк жамиятлардан бири. “Турон” жамиятининг 73 моддалиқ низомида “Европача ўқув муассасаларини очиш”, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга стипендиялар белгилаш тўғрисида ҳам режалар кўзда тутилган

26. **“Жамияти хайрия”** - 1909 йил 12 майда Жамият ташкил этилгач, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган. жамиятнинг асосчилари сифатида Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Баширулла Асадуллахўжа ўғли, Низомқори Муллаҳусайн ўғли, Тошхўжа Туякбай ўғли намоён бўлган.

27. **“Ширкати Бухоройи шариф” ва “Тарбияи атфол”** - 1909 йил 18 июнь куни Бухоронинг тараққийпарвар ёшлари асос солишган. Яна уламоларнинг қаршилiligига дуч келмаслик мақсадида янги жамият ўзининг ҳар бир қадамини яширин тарзда кўйиб, ёшларнинг чет элга ўқишга боришлари учун махфий равишда иона тўплаганлар.

28. **“Имдодия” (“Кўллаб-қувватлаш”)** - 1914 йилда Тошкентда янги усул мактаблари ўқитувчилари томонидан мактаб-маърифатчилик фаолияти мақсадида ташкил этилган.

29. **“Кўмак” уюшмаси** - 1922 йил 2 майда Саййид Алихўжа, Иброҳим Орифхонов, Камол Додахўжа ўғли, Ризқи Раҳимий, Абдувоҳид Жаҳонгир, Тўлаган Мўмин ўғли, Очил Хўжа, Аҳмад Шукрий, Тохир Шокирий ва Салимхон Тиллахоновлар тўпланиб асос солдилар.

30. **“Нашри маориф” ташкилоти** - “Кўмак” уюшмаси фаолиятини давом эттириш мақсадида 1923 йил январда жамиятнинг низоми қабул қилинган. Жамиятнинг вужудга келишида бу пайтда Тошкентнинг Эски шаҳар ижроқўми раиси вазифасида ишлаган М.Рамзнинг хизмати катта бўлиб, “Нашри маориф” жамиятига раис этиб Тошкентнинг Эски шаҳар тумани халқ таълими бошқармаси мудирини Шокиржон Раҳимий, унинг ўринбосари этиб Мунавварқори, котиб вазифасига Миркомил Алиев, ғазначи вазифасига Саидносир Миржалилов тайинланган. Ташкилотнинг фаол тарғиботчилари сифатида Авлоний, Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий,

Толибжон Мусабоев, Салоҳиддин Муфтийзода, Зуфар Носирӣ, Маҷид Қодирӣ ҳамда Салимхон Тиллахонов фаолият олиб борганлар.

31. **«Васийлик бўйича вилоятга қарашли болалар уйи»** - 1872 йилда Сирдарё вилоят маъмурияти томонидан очилган. Унинг таркибида 70 кишилик Фон Кауфман номидаги «Болалар уйи» (1872) ҳамда «Александрга қарашли болалар уйи» (1882) фаолият кўрсатган.

32. **«Меҳнатсеварлик уйи»** - 1896 йил 15 ноябрда Н.И.Иванов, Орифхўжа Азиз-Ҳожинов ташаббуси билан очилган.

33. **Россия Қизил Ҳоч жамиятининг Туркистон округ бошқармаси жамияти** - 1867 йилда юзага келган ҳамда 1868 йил 25 сентябрда иш фаолиятини бошлаган.

34. **Туркистон хайрия жамияти** - 1871 йилда юзага келган. Низом 1873 йил 31 октябрда ички ишлар вазири Тимаше томонидан тасдиқланган. Унинг таркибида Тошкент «Болалар уйи», «Оналикни муҳофаза қилиш» муассасаси 1880 йил 27 апрелда, Император Александр II номи билан аталган «Ногиронлар уйи»га 1881 йил 21 майда генерал-губернатор Г.А.Колпаковский томонидан илк ғишт кўйилган, 1884 йил 6 декабрда доимий бошпанадан маҳрум бўлиб қолган муҳтож камбағаллар ва бахтсизлар учун, айниқса ёнғингарчилик ва совуқ вақтда тунаш учун ётоқхона очилган.

35. **«Туркистон жамиятининг қишлоқ хўжалик колониялари ва вояга етмаганлар учун хунармандчилик бошпаналар»** - Адлия вазири томонидан 1902 йил 20 июнда тасдиқланган

36. **Император хоним Мария Александровна ҳомийлигидаги «Кўзи ожизлар васийлигида»ги Туркистон кўмитаси** - 1888 йилда ташкил қилинган

37. **«Маяк» Туркистон хайрия жамияти** - 1907 йил 1 январда очилган бўлиб, низоми 1907 йил 20 январда тасдиқланган

38. **«Туркистон рим-католик хайрия жамияти»** - И.Б.Пранайтис ташаббуси билан 1906 йил 12 июлда тузилган.

39. **«Тошкент евангелия-лютеран аёллар хайрия жамияти»** - Низоми 1907 йил 9 июнда тасдиқланган

40. **«Патронат ҳомийлик жамияти»** - Сирдарёда очилган бўлиб, унинг низоми 1910 йил 17 февралда тасдиқланган.

41. **«Авлиё Серий черкови қошидаги биродарлик жамияти»** - 1910 йил 8 февралда очилган.

42. **«Туркистон ўлкасидаги хусусий хизматчиларга ўзаро ёрдам кўрсатиш жамияти»** - Низоми дастлаб 1897 йилда ва қайта ўзгартирилган кўринишда 1903 йил 28 февралда тасдиқланган

43. **«Ўлим ҳолатида ўзаро ёрдам Туркистон ҳамкорлик жамияти»** - Низоми дастлаб 1903 йил 23 сентябрда ва қайтадан ўзгартирилган кўринишда 1908 йил 19 сентябрда тасдиқланган.

44. **Туркистон ҳаваскорлик полклари ҳомийлик жамияти** - Низоми 1910 йил 26 октябрда тасдиқланган.

## ИЛОВА

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИДАГИ ҲАЙРИЯ ЖАМИЯТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ (1901 Й.)<sup>191</sup>

	Европа Россияси	Губерниялар	Кавказ	Сибир	Ўрта Осиё	Жами
<b>Ҳайрия жамиятлари</b>						
<b>Шаҳарларда</b>	3222	94	145	119	83	3663
<b>Шаҳарлардан ташқарида</b>	1069	7	17	6	-	1099
<b>Жами</b>	4291	101	162	125	83	4762
<b>Ҳар бир 100 минг аҳоли жон бошига</b>	4,6	0,1	1,7	2,2	1,1	3,8
<b>Ҳайрия муассасалари</b>						
<b>Шаҳарларда</b>	3740	310	80	168	37	4335
<b>Шаҳарлардан ташқарида</b>	1614	243	27	58	1	1743
<b>Жами</b>	5354	553	107	226	38	6278
<b>Ҳар бир 100 минг аҳоли жон бошига</b>	5,8	5,9	1,2	3,9	0,5	5,0
<b>Умумий хайрия ташкилотлари</b>						
<b>Шаҳарларда</b>	6962	404	225	287	120	7998
<b>Шаҳарлардан ташқарида</b>	2683	250	44	64	1	3042
<b>Жами</b>	9645	654	269	351	121	11040
<b>Ҳар бир 100 минг аҳоли жон бошига</b>	10,3	6,0	2,9	6,1	1,6	8,8

<sup>191</sup> Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 248.

**ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА  
ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН ХАЙРИЯ МУАССАСАЛАРИ**

<b>“Дорул Ожизин” (“Ночорлар уйи”)</b>	1894 йилда шаҳар қозиси Низомиддинхожи ташаббуси билан 1500 рубл миқдоридида маблағ тўпланиб, маҳаллий аҳоли учун асос солинган.
<b>“Меҳрибонлик уйи”</b>	1896 йилда Ўш шаҳри аҳолиси Туркистонда яъни Фарғона вилоятида биринчи мусулмон уйига асос солишган. 1899 йилда Тошкентда кейинчалик Эски Марғилон шаҳрида ҳам иккита маҳаллий аҳолиси учун ташкил этилган эди.
<b>“Дорул Ожизин”</b>	Бухоро амири ҳам 1897 йилда шаҳарда камбағаллар ва ногиронлар учун асос солган.
<b>“Турон” жамияти</b>	1913 йилда Туркистон ўлкасида жаид маърифатпарвари Мунаввар Қори бошчилигида тузилган илк жамиятлардан бири. “Турон” жамиятининг 73 моддалик низомида “Европача ўқув муассасаларини очиш”, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга стипендиялар белгилаш тўғрисида ҳам режалар кўзда тутилган
<b>“Жамияти хайрия”</b>	1909 йил 12 майда Жамият ташкил этилгач, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган. жамиятнинг асосчилари сифатида Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Баширулла Асадуллахўжа ўғли, Низомқори Муллахусайн ўғли, Тошхўжа Туякбай ўғли намоён бўлган.
<b>“Ширкати Бухоройи шариф” ва “Тарбияи атфол”</b>	1909 йил 18 июнь куни Бухоронинг тараққийпарвар ёшлари асос солишган. Яна уламоларнинг қаршилилгига дуч келмаслик мақсадида янги жамият ўзининг ҳар бир қадамини яширин тарзда қўйиб, ёшларнинг чет элга ўқишга боришлари учун махфий равишда иона тўплаганлар.
<b>“Имдодия” (“Қўллаб-қувватлаш”)</b>	1914 йилда Тошкентда янги усул мактаблари ўқитувчилари томонидан мактаб-маърифатчилик фаолияти мақсадида ташкил этилган.
<b>“Кўмак” уюшмаси</b>	1922 йил 2 майда Сайид Алихўжа, Иброҳим Орифхонов, Камол Додахўжа ўғли, Ризқи Раҳимий, Абдувоҳид Жаҳонгир, Тўлаган Мўмин ўғли, Очил Хўжа, Аҳмад Шукрий, Тоҳир Шокирий ва Салимхон Тиллахоновлар тўпланиб асос солдилар.

<p><b>“Нашри маориф” ташкилоти</b></p>	<p>“Кўмак” уюшмаси фаолиятини давом эттириш мақсадида 1923 йил январда жамиятнинг низоми қабул қилинган. Жамиятнинг вужудга келишида бу пайтда Тошкентнинг Эски шаҳар ижроқўми раиси вазифасида ишлаган М.Рамзнинг хизмати катта бўлиб, “Нашри маориф” жамиятига раис этиб Тошкентнинг Эски шаҳар тумани халқ таълими бошқармаси мудир Шокиржон Раҳимий, унинг ўринбосари этиб Мунавварқори, котиб вазифасига Миркомил Алиев, ғазначи вазифасига Саидносир Миржалилов тайинланган. Ташкилотнинг фаол тарғиботчилари сифатида Авлоний, Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий, Толибжон Мусабоев, Салоҳиддин Муфтийзода, Зуфар Носирий, Мажид Қодирий ҳамда Салимхон Тиллахонов фаолият олиб борганлар.</p>
--	---

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
<b>ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР ОХИРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР.....</b>	<b>5</b>
1. Туркистонда ХІХаср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.....	5
2. Бухоро амирлигида ХІХаср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.....	15
3. Хива хонлигида ХІХаср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.....	19
<b>ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР ОХИРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ.....</b>	<b>28</b>
1. Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик фаолияти.....	28
2. Туркистонда соғлиқни сақлаш ва болалар уйлари ташкил қилишда хайрия ва ҳомийлик ишлари.....	39
3. ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида хайрия ва ҳомийлик ишлари.....	48
Хулоса .....	59
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати .....	60
Глоссарий.....	65
Илова.....	69